

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot



“KIMKI ELNI SHOD ETIBDUR, DAVLATI KAM BO‘LMASIN”



*Ой догланур жамолин, кўрсатса дилраболар,
Сумбул ўпар оёгин, кўзготса дилраболар.
Гул очилур чаманда, олам муаттар ўлғай,
Бир кафт билан ниҳолин, тебратса дилраболар.*

Камтар шеъри билан айтиладиган ушбу кўшиқни миллий мусиқа асбобларидан доира ва танбур жўрлигида эшитиб кўрганмисиз? Дилраболарни бир тинглаб кўринг. Бу кўшиқни эшитар экансиз беихтиёр нолалар ортидан эргашганингизни сезмай қоласиз. Майингина эсган шамол оғушидаги хаёл кум зарраларини секин-аста судраб-судраб кетаверади, кетаверади. Ярим йўлда зарраларга яна зарралар қўшилиб, энди бир ховуч тупроқ ҳосил бўлади. Кўшиқ авж пардалари кучайгани сайин шамолнинг одими ҳам кенгайиб бораверади. Дилраболар авж пардасига етганида қуюн кўтарилиб, осмонда ғалаён бошланади. Водийлик марҳум ҳофиз Расулқори Мамадалиев ижросидаги кўшиқларни эшитган одам ҳам худди қуюн каби осмонга кўтарилади.

● 7

«INSON RUHIYATI ITOATNI XUSH KO‘RMAYDI...»



Айрим ёшларимизнинг ҳам ижоди билан танишсангиз, ўзи билиб-билмаган дард тўла эканини кўрасиз, том босиб қолганми, деб ўйлайсиз ёзгиришидан... Яқинда Зулфияхонимнинг шеърларини яна бир кўздан кечирдим. У кишининг ҳаётидаги қийинчиликларни, айрилик ва ғам-андуҳни ҳамма билади. Аммо шеърларида уйғоқлик, ҳаётга ташналик, кўтаринки чорлов бор. Дарду ғуссасини ҳам гўзал ташбеҳларда ифода этиб беради. Сиз айтгандек, ижодкор яратган асарнинг марказида инсон турар экан, ижодкор дегани уни ҳаётни севишга, неъматларига шукрона айтишга ҳам чорлаши керак!

● 6

SHUKURLI BOBO, SABRLI MOMO

qo'sha qarshining olti siri



Бир маҳалланинг ўзида нечта хонадон бўлса, шунча хил муҳит, турфа манзара: бири бирини асло такорламайди. Остонадан кириб, хонадон каттаю кичигининг фаҳму фаросати, диди, тутумларига баҳо бериш мумкин. Мана етмиш йилдирки, бир-бирларига суяниб умргузаронлик қилаётган Рўзӣбой ҳожи бобо Фозилов – бош, Раҳимахон ҳожи момо – ёнбош бўлган хонадонга қадам ранжида қилиб, тўғриси, донишманд халқимизнинг “қариси бор уйнинг фариштаси бор” деган ҳикмати бежиз айтилмаганига яна бир қарра амин бўласиз.

● 11



BIR maktub izidan...



Ҳаёт йўлларида турли тасодифлар ва инновларга дуч келамиз. Ва ана шу жараёнда ҳар бир инсоннинг маънавий қиёфаси, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати намоён бўлиб боради. Тахририятимизга йўлланган мактубларни варақлар эканмиз, уларда ёзилган воқеяликларнинг ҳар бири бир сабоқ эканлигини англаймиз. Масалан, Наманган вилояти Наманган шаҳрида яшовчи Азимжон Саъдуллаев ўз мактубида бундай дейди:

● 5

8 MART – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Мамлакатимизда азиз ва мўтабар аёл зотига муносиб эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва жаҳон миқёсидаги мавқеини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Чусовитина Оксана Александровна – Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Кузнецова Светлана Михайловна – Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Батирова Маргарита Азизовна – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тиллар кафедраси профессори

Бойматова Сибинисо Мусурмонқулловна – Шароф Рашидов туманидаги «Мусурмон ота» фермер хўжалиғи бошлиғи, Жиззах вилояти

Джамилова Гулчехра Манноновна – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Ибрагимова Рихсидон Исмаиловна – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Кариева Бернара Рахимовна – Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори

Махмудова Робохон Анваровна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси

Садуллаева Гулчехра – Ўзбекистон давлат сатира театри актрисаси

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Адилова Фатима Тўйчиевна – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти лаборатория мудири

Бабажанова Зулфия Реимбаевна – «Тахиятош иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятининг кимё цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Гафорова Фотима – Меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Маринова Саодат Торахановна – Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг «Минерал ресурслар институти» давлат корхонаси шўба мудири

Мендиева Ранохон – Учкўприк туманидаги «Мендиева Ранохон» фермер хўжалиғи бошлиғи, Фаргона вилояти

Парлибаева Озода Абдукадировна – Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сабинова Вазира Талиповна – Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Тураева Гавхаржан Ибрагимовна – Гурлан туманидаги «Наврўз» фольклор-этнографик халқ жамоаси бадий раҳбари, Хоразм вилояти

Шодмонова Мавлюдахон – Марҳамат туманидаги «Барҳаёт Нозимжон файзи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Юнусова Манзураҳон Пазилдиновна – Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Юсупова Тути – Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жалолова Сабоҳат Ашурқулловна – Сарийосиё

туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Муминова Мадина Рашидовна – Наманган шаҳридаги «Baby plaza» хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Асланова Дилбар Хасановна – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Самарқанд вилояти

Ахмеджанова Покиза Шавкатовна – Гулистон шаҳридаги «Болалар шаҳарчаси» директори, Сирдарё вилояти

Рахимова Мукаддас Араловна – Яқкабоғ туманидаги «Маданият текстиль кўп тармоқли» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Сабурова Инжигул Жумабаевна – Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг «Мухаллес» дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

Усманова Саодат Умаровна – Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ҳайитова Роҳат Ахмаджонова – Вобкент туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори, Бухоро вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаева Максуда Султановна – Урганч туманидаги «Урганч парранда инвест» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси

Ахмадалиева Нодира Кахрамоновна – Андижон туманидаги «Gold Andijan pharma» кўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

Баходирова Валентина Григорьевна – Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Қамаш тумани ташкилоти раиси, Қашқадарё вилояти

Джавланова Кимёхан Курбанбаевна – Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти

Жолиббетова Айтгул Аймбетовна – Мўйноқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбаровна Насиба Ахмадалиевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг фахрий диктори Мустафаева Замира Рустамовна – Фаллаорол туманидаги «Сарбозор қурилиш транс» хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Облобердиева Зуҳро – «Хунарманд» уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи-уста

Сабитова Мадия Ирқиновна – Кармана туманидаги «Полипропилен қувурлар» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Саидбекова Дахиятпачо Бабаевна – Сўх туманидаги «Сариканда» қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, Фаргона вилояти

Сувонова Дилбар Набиевна – Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Сурхондарё вилояти

Супелина Виктория Дмитриевна – «Тошкент қувур заводи» кўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Умарова Нигора Телмановна – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг маънавият ва маърифат кафедраси мудири

Умарова Нодира Нигматуллаевна – Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи қошидаги «Ишга марҳамат» мономаркази директори

Усманова Израбу Ариповна – Риштон туманидаги «Израил Израбону» оилавий корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти

Холбекова Бегойим Абдурахмоновна – Ўзбекистон

давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Шаназарова Азиза Абдумаликовна – Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессорси

Ширинова Мавлюдахон Расулловна – «Сабр» Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори

Эрматова Назокат – Боёвут туманидаги «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаева Умида Хазратовна – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

Бобоқуллова Гули Ражабовна – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Олот» чегара божхона пости катта инспектори

«Шухрат» медали билан

Бекназарова Саида Сафибуллаевна – Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудиовизуал технологиялар кафедраси профессори

Бовақуллова Мавжуда Рахимбердиевна – Янгийўл шаҳридаги «Вахог style» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Дададжанова Ирода Абдулазизовна – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Еш куч» журнали бош муҳаррири

Игамбердиева Паризод Қадировна – Фаргона давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Инакова Барноҳон Баходировна – Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва неонатология кафедраси мудири, Андижон вилояти

Исломова Гулмира Рахмоновна – «Хунарманд» уюшмасининг Нурота тумани бўлими аъзоси, каштачи-уста, Навоий вилояти

Каримова Навбахор Валижановна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» телеканали сиёсий шарҳловчиси

Мамадиёрова Юлдузой Каршиевна – Шахрисабз туманидаги «Shakhrisabz tour» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мамарасулзода Зулхумор Абулқосим қизи – Жиззах вилояти маданият бошқармаси қошидаги «Мақом» ансамбли мақомчиси

Мансурова Муниса Анваровна – Тошкент тўқимачилик ва енгил санат институтининг тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири

Рахматова Фароғат Шавкатовна – Денов туманидаги «Smart kids» нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

Турдимуратова Айнура Бахтибаевна – Нукус шаҳридаги «Жайхун универсал қурилиш» масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Халиқова Хамида Азимжоновна – «Бекобод-цемент» акциядорлик жамиятининг цех тегирмон машинисти, Тошкент вилояти

Химматова Юлдузой Шахритдиновна – «Навоийазот» акциядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Навоий вилояти

Хусанова Нафиса Рустамовна – Самарқанд шаҳридаги «Samarkand-England eco medical» кўшма корхонасининг сифат таъминоти бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хусанова Гавхар Мамаражабовна – Сайхунбод туманидаги «Гулбахор зиё китоб савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Шукурова Гулчехра Шойиқулловна – Қорақўл туманидаги «Гуллар чехраси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшчанова Жавҳар Атахановна – Янгибозор туманидаги «Ҳамид Олимжон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

Мамлакатимизда мўтабар аёл зотини улуглаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқарётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибрат-

ли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,

Ш.МИРЗИЁЕВ

2020 йил 4 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 4 мартдаги
ПҚ-4626-сон қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Ибрагимова Назокат Мухтаровна – Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти
Нуратдинова Динара Елубай қизи – Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Абдумўминова Нигора Ихтиёровна – Андижон машинасозлик институтининг 4-босқич талабаси

Нўъмонова Зулфира Иқболжон қизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Ражабова Нилуфар Комилжоновна – Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Холиқова Нозима Нематиллоевна – Бухоро давлат университетининг таянч докторанти

Ибрагимова Вазира Хусан қизи – Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Маърифат ва ҳикмат» масъулияти чекланган жамияти муҳаррири (Жиззах вилояти)

Илхомова Севара Даврон қизи – Жиззах политехника институтининг 3-босқич талабаси

Норчаева Мадина Норчаевна – Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2-босқич талабаси (Қашқадар вилояти)

Олимжонова Бегойим Мансур қизи – Қашқадар вилояти Шахрисабз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Омонбоева Мерей Эрали қизи – Навоий давлат педагогика институтининг 4-босқич талабаси

Сапарова Ситора Шайдулло қизи – Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Азимова Дилафрўз Аламхон қизи – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Тожибоева Олимахон Икромжон қизи – Наманган вилояти Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Мусулмонова Камола Хусниддин қизи – Самарқанд давлат университетининг 2-босқич магистранти

Усманова Нуруниссо Олимовна – Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси

Мухаммадиева Ситора Шухратжон қизи – Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Саматова Шаҳноза Ортиқбой қизи – Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Абдуразақова Рухшона Илҳомжон қизи – Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

Қайимова Сабина Олимовна – Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тўғарақ раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Болтаева Мохира Матёқуб қизи – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жалолова Моҳинур Зиёвуддин қизи – П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Хабибуллаева Нозима Хайрулло қизи – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Хомидова Насиба Юнусжон қизи – Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали 1-босқич магистранти

Алимова Махлиё Махмуд қизи – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 6-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Шарипбаева Назокат Қуролтой қизи – Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Дзвинская Юлия Станиславовна – 2-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Тоғаймуродова Шаҳноза Шухрат қизи – Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси



“Оила” марказида Чилонзор туманида яшовчи оилалар базаси мавжуд. “Оила” маркази ходимлари томонидан яна бир бор ушбу оилаларни текшириш, низоли ва хавф гуруҳига кирувчи оилаларни аниқлаштириш, ижтимоий химояга муҳтож оилалар рўйхатини тузиш, муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини ишлаб чиқиш зарур”, – дея таъкидлади Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, сенатор Дилором Тошмухамедова Чилонзор тумани ҳамда 38 - Олмазор округларининг муаммоларини ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилишда.

SENATOR CHILONZOR TUMANIDAGI MUAMMOLARGA TO'XTALDI

Шунингдек, сенатор мазкур оилаларга амалий ёрдам бериш ҳамда округдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун тегишли ташкилот, идоралар билан ҳамкорликда “Йул харита”сини ишлаб чиқиш ва молиялаштиришни таъкидлади. Бунинг учун дастлаб туман доирасида фаолият кўрсатувчи

мутасадди ташкилотлар фаолиятида қандай муаммоларга дуч келаётганлиги бўйича фикр алмашиш тақлифини берди.

Йиғилишда туман ҳокими, ИИБ бошлиғи, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим, “Оила” марказининг туман бўлими масъул ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда туман ҳокимлигининг мутасаддилари ҳам иштирок этишди.

Шунингдек, “Илм, маърифат ва

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастуридаги устувор йўналишлардан аҳолини ижтимоий химоя қилиш концепцияси қабул қилиниши ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги айтиб ўтилди. Ногиронлиги бор шахсларнинг ТМЭҚдан ўтиш қийинчиликлари ва ўрнатилган тартибга ўзгартиришлар киритиш таъкидланди. “Меҳрибонлик” уйларида чиқаётган болаларнинг ижтимоийлашуви, чин етимлар билан шугулланаётган ташкилотлар, ушбу муассасалардан чиқаётган болаларнинг кейинги кузатувини амалга ошириш кўзда тутилганлиги тўғрисида маълумотлар берилди.

Сенатор ва мутасадди ташкилот вакиллари билан муаммолар ечими бўйича зарур чоралар кўрилишига келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз



“Qaddim duto ishqing yo‘lida...”

Қардош Озарбайжон халқининг севимли фарзанди, дилбар лирик шоир Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулий бир минг тўрт юз тўқсон саккизинчи йилда Ироқнинг Карбало шаҳрида дунёга келган. У ўз ижоди билан нафақат ўз халқи учун балки бошқа кўплаб халқлар учун ҳам буюқ даҳо тимсолига айланган. Ўзи яшаган даврнинг замонавий ва тарихий илмларини мукаммал эгаллаган даҳо шоир айниқса адабиётни, шеърятни ўз касбига айлантиргани сир эмас.

Қардош Озарбайжон халқининг севимли фарзанди, дилбар лирик шоир Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулий бир минг тўрт юз тўқсон саккизинчи йилда Ироқнинг Карбало шаҳрида дунёга келган. У ижоди билан нафақат халқи учун балки бошқа кўплаб халқлар учун ҳам буюқ даҳо тимсолига айланган. Ўзи яшаган даврнинг замонавий ва тарихий илмларини мукаммал эгаллаган даҳо шоир айниқса адабиётни, шеърятни ўз касбига айлантиргани сир эмас. У шеърятга ёш пайтида мактаб давридан кириб келганлигини эътироф этади. Кейинчалик эса, ўша ёшлик вақтида ёзган шеърлари унчалик салмоқлимаслигини очиқ тан олади. Ўша давр тақозоси билан у кўпроқ ошиқона шеърлар қоралаган, унинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ тафсилотлардан бири шуки, у устози Хабибийнинг қизига ошиқ бўлган экан. Ўз ижодига баҳо бериб эса “Шоирлигим муайян бўлди. Назмининг садоси билан оламлар тўлди”, – дея камтарона эътирофни ёзади. Фузулий ижодининг, айниқса ғазалларининг умрбоқийлиги ва қарийб беш аср давомида ўз жозибдорлигини йўқотмай келаётганлигининг боиси нимада деган тушунча ҳар бир китобхонни ўйлантириши табиий. Шоирнинг ижодини кузатсак фақуллодда топилган умрбоқийларга, дилбар ўхшатишларга, мутойбага уйқаш бўлиб кетган фикрларга дуч келаверамиз. Сўз кўллаш борасидаги оддийлик, соддалик эса ижодининг мезони десак ўринли фикр



ишлатган бўлур эдик.
Бир ғазалда у :
“Улур қаддим дудо ишқинг йўлида
ҳар бало кўргач,
Тарийқ аҳлино одатдур тавозеъ
ошно кўргач”, – дейди:
Ишқингни йўлида ҳар бало

кўрамани, қаддим икки букилиб дудо бўлиб қолади, чунки, тарийқ аҳлига яъни инсофли, диёнатли кишиларга ошносини, дўстини учратганда тавозе қилиш яъни ҳурмат бажо келтириш азалий одатдир деб сўз юртади.

“Ниҳон ишқими маълум этса олам
дуд оҳимдан,
Ажаб йўқким, гумони ганж эдар
халқ аждаҳо кўргач”, –

дея сўз ўйини билан битилибди кейинги маснавий:

– Агар яширин ишқимни олам маълум, ошкор қилса, – бу ўринда олам сўзи бу тун эл халққа нисбатан қўлланган, – яъни яширин ишқим маълум бўлиб қолса бунинг ҳеч қандай ажабланили томони йўқ. Чунки халқ бирор жойда аждаҳо–илонни кўрса демак шу ерда бойлик бор экан деб ҳисоблайди дейди. Бу тушунча айни дамда ҳам халқ тилида маълум бўлган иборадир. Демак, ҳазрат лирик қаҳрамон тилидан “менинг ишқим ганж – бебаҳо бойлиқдир”, деган тушунчани илгари сурганлар.

Фузун ўлдичка ишқим гарм ўлур
ашқим кўзим ичра,
Агарчи сув бурудат касбини айлар
ҳаво кўргач.

Ишқим фузун, яъни узун, кўп бўлган сари кўзимдан оқаётган кўз ёшим иссиқ бўлаверади, (нақадар ўйлаб топилган ва табиятан эътирозсиз тан олинадиган фикр) сув агар ҳаво билан аралашса совуқлик касб этади, – дейилади бу сатрларда. Гарм деган сўз ёқимли деган маънони ҳисобга олсак биринчи сатрни “Ишқ учун қанча кўп йиғласам шунча ёқимли бўлаверади”, деб ҳам талқин қилинса маъқул бўлади.

Кейинги жуфт сатр:
Ўқунг ҳар лаҳзаким, жоним дилар,
кўнглим қилур осон,
Ба айни ўйлаким, фарёд эдар
итлар гадо кўргач.

Ўқинг ҳар лаҳзада жонимни тилади, шу билан кўнглимининг майлини осон қилади, сен бу ҳодисани айнан кўчада гадони кўрган итларнинг фарёд қилиши, гадога талпиниб ҳуришига менгзагин дейилади. “Ўқунг ҳар лаҳзаким, жоним дилар” иборасининг бошқа талқини эса мана бундай: Отган ўқинг ҳар доим менинг жонимни тилайди, яъни мени

ўлдиршни истайди деб ҳам талқин қила оламиз.

Ривожи нақд нақши сиккаданур
нўла қадр этса,
Манга эл жисми уренимда нақши
бўрб кўргач.

Энди юқоридаги икки байтнинг маъносини айтадиган бўлсак:

Ривожи нақд, – яъни нақд пулнинг ривожи, нақши сиккаданур, – бу икки сўз чақа пул, танга сиртига чиройли нақш солинишни билдиришини ҳисобга олсак, сатрни “Нақд пулнинг ривожи қадри ёки савдонинг ўсиши пулга бежирим шакл зарб урилганига боғлиқ бўлади, менга эса жисми уреним – кўкрагимга нақши бўрб, яъни кўкрагимни ерга бериб ётганимдан тўшак – бўренинг нақшининг акси бор, – дейилган фикр битилган.

Навбатдаги жозибдор сатрлар:
Мани дарвиша эл ҳам жавр эдар,
сен жавр қилдиқча,
Ким, айлар зулм манъи, подшоҳим,
сан раво кўргач.

Сен менга қанчалик жабр қилсанг, эл ҳам яъни бошқалар ҳам шунча жабр қилади, сан менинг подшоҳим бўлиб бу ишни манъ қилсанг эди менга жабр қилишга кимнинг ҳадди сизгарди, ким бу ишни манга раво кўра оларди деб маъно битадилар ҳазрат.

Энди лирик чекиниш фалсафий чексиз фикрлилик, мутуйба мана сўз ўйинининг маъжудлиги:

Фузулийни ёшур, эй заъф,
маъвашлар жафосиндан
– Ки, маъвашлар қилурлар минг
жафо бир мубтало кўргач.

Эй заъфлик, юзи саргайганлик, беморлик сен Фузулийни маъвашлар, малаклар жафосидан асраки, бир мубталони улар кўрсалар мингта жафо қиладилар, деб қалам сурган эканлар.

Хулоса шуки, оддий сўз билан айтадиган бўлсак Фузулий ҳазратнинг ижодига, хусусан ғазалларига кўз югуртирган киши битта-иккитасини ўқиб зерикиб “ҳафсаласи пир” бўла олмайди. Яна ўқишда ва маънавий озуқа олишда давом этаверади. Бир сўз билан айтганда, Фузулий ижоди битмас-туганмас жавоҳирдир, жавоҳир эса доимо киши онгини забт эта олган хилқатдир.

Сулаймон Ҳайдар (Касбий).

QARINDOSHLIK JABRINI TORTGAN QIZ

Бизнинг Бухоро вилояти, Бухоро тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида 702 нафар оила бор. Бу оилаларда ўз меҳнати орқасидан обрў ва бахт топаётган, барчага ибрат ва намуна бўлаётган инсонлар яшашади, уларнинг 1861 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Худудимиздаги 1-гурӯх ногирони Сайёрахон Аллаберганова имконияти чекланган бўлишига қарамай тўқувчилик ва тикувчилик хунари билан шуғулланмоқда.

– Тақдиримда бор эканми, тўсатдан юрولмай қолган вақтимда эндигина 13 ёшни қаршилаган қизалоқ эдим, – дейди С.Аллаберганова. – Онам ва раҳматли дадамнинг кўрсатмаган шифокору табиллари қолмади. Ташхис: ота-онанинг қариндош бўлишига қарамасдан никоҳ ришталарини боғлаганликлари бўлиб чикди. Онам

ва дадамнинг қариндош эканлигининг жабрини мен кўрдим. Ҳозир 39 ёшдаман. Бу давр мобайнида тушқунликка тушган вақтларим, дунёдан тўйган кунларим кўп бўлди. Аммо ойнинг ёруғ томони бор эканми, кунларнинг бирида маҳалламиз хотин-қизлар мутахассиси Дилафруз опа туман пахта тозалаш заводида хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Мустафоева ташаббуси билан мени касаначи тикувчи бўлиб ишлашим мумкинлиги ҳақида таклифларини билдирдилар. Бир йилдан буён “Пахта тозалаш заводи”буюртмаларини тикув машинкасида тикиб, ўз вақтида етказиб келяпман.

Бундан ташқари, С.Аллаберганова тўқиш хунари билан ҳам шуғулланади. Ҳунарини мактаб ўқувчиси бўлмиш жиянларига ҳам ўргатиб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Баъзан соғлом, меҳнатга лаёқатли, тўрт мучаси соғ бўла туриб, маҳалладан ёрдам пули сўраб, камига иш таклиф қилинганда дўқ аралаш зарда қилиб кетадиган фуқароларга ҳайрон қоламан. Туманимиздаги “Ногиронлар



жамияти” ҳар куни ўз фаолиятида кўплаб бу каби ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ёрдам қўлини чўзмоқда. Жумладан, Ногиронлар жамияти раиси Ҳамид ака Ғаниев ҳар ойда вилоятда бўладиган савдо ярмаркада Сайёрага ўхшаган имконияти чекланган хунароманд хотин-қизлар қўл меҳнати

билан бажарган маҳсулотларни сотишларига кўмаклашадилар.


Сайёрага ўхшаган матонатли, шижоатли аёлларимиз ҳаммиса бошқаларга ўрнат ва ибрат бўлиб яшайдилар.

Дилафруз БАҚОЕВА,
Бухоро тумани, Дўстлик
маҳалласи.

Хаёт йўлларида турли тасодифлар ва синовларга дуч келамиз. Ва ана шу жараёнда ҳар бир инсоннинг маънавий қиёфаси, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати намоён бўлиб боради. Тахририятимизга йўлланган мактубларни варақлар эканмиз, уларда ёзилган воқеяликларнинг ҳар бири бир сабоқ эканлигини англаймиз. Масалан, Наманган вилояти Наманган шаҳрида яшовчи Азимжон Саъдуллаев ўз мактубида бундай дейди:

“Ассалому алайкум, ҳурматли тахририят ходимлари! Гезета саҳифаларида берилётган мақолалар ва ҳикояларни мунтазам кузатиб бораман. Уларни ўқиган чоғингизда инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ўз одамийлигини сақлаб қолиши керак эканлигини янада чуқурроқ англайман. Сизларга кун кеча мени ташвишга солган бир воқеа ҳақида ёзишга қарор қилдим.

Мен 2020 йил 29 январь кун Наманган шаҳридаги Қўқумбой шоҳ кўчасида ўзимга қарашли “ЗИЛ” машинасини бошқариб кетаётганимда “ДАФ” автомашинаси йўлимни тўсиб чиқиб қолди. Машинага йўл бердим. Чап томондан ўтиб кетаётган машинанинг орқа борт бурчаги “ДАФ” машинасининг орқани кўриш ойнасига тегиб кетибди. Буни сезиб, дарҳол ортимга қайтишга уринсам, хайдовчи кўлига тош олиб менга тўхта деб ишора қилди. Тўхташ билан қўлидаги тошни ташлаб, орқа ойнани кўр, дея сўкиниб бошимга бир урди. Бу ҳолатдан ниҳоятда асабийлашган бўлсам-да, ўзимни босиб олиб, энди гапирмоқчи бўлиб тургандим, ўғлим Азимжон телефон қилиб қолди. У билан бир жойга эҳсонга бормоқчи эдик. Йўқ, мен боролмайман, ҳозир шундай вазият бўлиб қолди, дедим. Шунда “ДАФ” хайдовчиси, ИПХни чақирамиз, деб қолди. Мен, балки ўзимиз келишиб



BIR MAKTUB IZIDAN...



олармиз, десам, у юғуриб бориб машинасини воқеа жойидан олиб кўйди. Кейин яна ортига қайтиб келди-да, ёқамдан бўғиб менга пўлиса қилаётган эди, ўғлим келиб қолди. Унинг келганини кўрмай хайдовчи менга сени кўчада юрмайдиган қилиб кўяман дея яна дўк-пўлиса сини давом эттира кетди. Ўғлим бу ҳолатни кўриб ниҳоятда ғазабланиб кетди. Бу одам нега сизни уряпти, нима ҳаққи бор, дея номаълум хайдовчини ўғлим ҳам ура бошлади.

Мен 41 йилдан бери хайдовчилик қиламан. Тўрт фарзандни уйлаб-жойладим. Авваллари ҳечам бундай вазиятга тушмагандим. Мана шу бўлиб ўтган жараён бўйича суриштирув ишлари олиб бориб, одилона ҳукм чиқарилишида бизга ёрдам беришингизни сўраймиз.”

Ушбу хат ўзасидан суриштирув ишлари олиб бориш учун Наманган

“**Менимча, ҳар қандай инсон ҳам отасини кимдир ҳақорат қилса ёки урмоқчи бўлса, шунчаки қараб турмайди. Шу боис Азимжон ҳам бу ҳолатга бепарво қарамаган. Маҳалла гузариди ички ишлар ходимлари билан биргаликда бу воқеанинг ҳар учала иштирокчиси чақирилди.**”

вилоятига қараб йўл олди. “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинига кириб борганимизда бизни маҳалла фаоли Обиджон Мирзаев кутиб олди. Унинг айтишича, ушбу маҳалла фуқароси Азимжоннинг 3 нафар фарзанди бор. Оиласи намунали оилалардан бўлиб, ҳаммаша кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиб келган. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча тadbирларда фаол иштирок этиб, маҳалла гузарини таъмирлашда беминнат ёрдам кўрсатиб келган. Ҳаттоки маҳалладаги китобхона оилаларга бадий китоблар ҳам совға қилиб туради. Шунингдек, мутлоага ва янгиликка қизиқувчан оилаларнинг фарзандлари республикамиздаги ўқишли газета ва журналларга обуна бўлишларида ҳам ўз ёрдамини аямайди. Яқинда содир бўлган кўнгилсиз

воқеани эшитгач, ушбу маҳалланинг нуроний инсонлари Азимжон билан алоҳида суҳбат олиб боришди. Суҳбат асосида у ўзининг жаҳл устида қилган ишларидан минг бора пушаймон эканлигини, касалхонага тез-тез бориб Шокирнинг ҳолидан хабар олиб турганлигини таъкидлади.

Менимча, ҳар қандай инсон ҳам отасини кимдир ҳақорат қилса ёки урмоқчи бўлса, шунчаки қараб турмайди. Шу боис Азимжон ҳам бу ҳолатга бепарво қарамаган. Маҳалла гузариди ички ишлар ходимлари билан биргаликда бу воқеанинг ҳар учала иштирокчиси чақирилди. Фаолларнинг маслаҳатларини тинглаганидан сўнг томонлар бир-бирларидан кечирим сўрашди.

Суриштирув ишлари асосида шунга гувоҳ бўлдики, маҳаллаларда истикомат қилаётган ёши улғу, кўпни кўрган болаларимиз ва кайвони момоларимиз ҳаёт тажрибалари ва насиҳатлари билан кўпбала муаммоларни ҳал қилишда катта ёрдам кўрсатишмоқда. Уларнинг йўл-йўриқлари ва маслаҳатлари билан Шокиржон ҳам ёши катта инсонларни ҳурмат қилиш, энг оғир вазиятларда ҳам уларга қўл кўтармаслик кераклигини англаб етди. Азимжон эса бундан кейин оғир-босиқлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини тушунганини айтиб ўтди. Хуллас, маҳалланинг аралашуви билан икки оиланинг хотиржамлиги тикланди. Бургага ачиқ қилиб кўрпага ўт қўйишдек ҳолатларнинг, суд идоралари эшиги олдида сарсон-саргардан бўлиб юришининг олди олинди.

Муқаррама АЗИЗ

AYOLNING SHAXSIY JAMG'ARMASI BO'LISHI KERAKMI?

Аёл зотининг ўзига яраша эҳтиёжлари кўп бўлади. Кийим-кечагу упа-элик, гап-гаштаклар ва шунга ўхшаш шахсий харажатлари кўпайса кўпайдики, сира камаймайди. Орамизда ўзининг шахсий харажатлари учун алоҳида жамғарма қилиб қўядиган аёллар ҳам талайгина. Нимага асосланиб айтаётганимга ҳайрон бўлманг, сўз исботи билан деганларидек, муҳокамани кенгроқ ва аниқроқ қилиш мақсадида ижтимоий тармоқлар орқали аёлларга “Шахсий эҳтиёжингиз учун пул ажратиб (яшириб) кўясизми?” каби савол билан мурожаат қилдик. Қандай жавоблар келганини таҳмин қилаётган бўлсангиз ажаб эмас. Ҳа, худди биз кутган жавоблар:

Лобар :
– Албатта пул ажратаман, ахир аёл кишининг гўзал бўлиб юриши учун ҳам алоҳида маблағ зарур. Буни ҳамма эркаклар ҳам тушунаверишмайди...

Хушнӯза:
– Мен ҳар ойлигимдан ўзим ва режа-лаштирилмаган харажатларим учун маблағ ажратиб беришга одатланганман. Бу одатимдан турмуш ўртоғим хабар-

дор. Оилада қандайдир етишмовчилик туғилиб қолса, ташвишга тушиб ўтирмаймиз, алоҳида жамғарилган маблағдан фойдаланаверамиз.

Нозима:
– Бундай алоҳида харажатлар, нафақат ўзимиз учун, балки, фарзандларимнинг хархашалари учун ҳам асқотади. Шахсан ўзимда бундай ҳолатлар кўп бўлган. Шу сабабли ҳам турмуш ўртоғимдан баъзида сўраб, баъзан эса сўроқсиз пул яшириб қўяман.

Юқоридаги жавоблар билан бир қаторда “Йўқ, мен эримдан пул яширишни хаёлимга ҳам келтиролмайман, нима керак бўлса ўзига айтаман”, “Эрим толган пулни ўзидан яшириш, жуда галати ҳолат менимча, шунинг учун ҳам ундан сўроқсиз пул ишлатмайман. Шахсий харажатларимга берса беради, бўлмаса, индамай кўнишдан бошқа иложим қолмайди”, сингари жавоблар ҳам бўлди. Хуллас, натижалар 67 фоиз аёлда бу ҳаракат кузатилишини маълум қилди. Бу борадаги нуроний бувижонларимизнинг фикри ҳам бизни қизиқтирди:

– Қандай мавзуда гап боришдан қатъий назар, замондан келиб чиқиб жавоб берган маъқул, – дейди, Муҳаррам ая. – Бизнинг даврда ҳам алоҳида эҳтиёжлар учун пул ажратган аёллар бўлган. Аммо улар бу пулларни гўзаллик салонлари-ю зебу зийнатларга

эмас, балки меҳмондорчиликлар, турли байрамларга совға-саломлар учун олиб қўйишган. Тўғри тушуниш кераки, ҳамманинг ҳам турмуш ўртоғи бир хил эмас. Кимдир рафиқасининг кам-кўстига беришга оғринмайди (аслида ҳам бу эрлик бурчи), ким учундир бу ортиқча харажатдек туюлади. Аёлларнинг бу одатини қоралаш ёки оқлаш ниоятим йўқ, ҳамма ҳам вазиятидан келиб чиқиб иш тутади. Аммо алоҳида жамғармангиз борлигини эрингизга шипшитиб қўйсангиз ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бу каби мавзуларда ҳамма ўзини турлича оқлаши аниқ, лекин айнан динимиз нима дейишини ҳам билиб қўйганимиз маъқул.

Шокир ИМОМИДДИНОВ, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани бош имом-хатиби:

– Бугун кўпчилик орасида нотўғри тушунча шаклланган. Эмишки, аёл эрининг рухсатисиз маблағга, мулкка эга бўлиши мумкин эмас. Мулкка эга бўлиш ва уни тасарруф қилишда аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръонини қаримда марҳамат қилиб айтадики: «Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирор неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш



олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар. (Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳнинг фазлидан сўрангизлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани билгучидир” (Нисо сураси 32-оят).

Агар аёлнинг шахсий мулки бўлса, у шу мулкни ўзи истагандек тасарруф қилиш ҳақида эга. Эр бу мулкни тортиб олишга асло ҳаққи йўқ. Аммо аёл турмуш ўртоғининг рўзгор учун берган харажатини, ундан сўроқсиз бирор нимага сарфлаши мутлақо тўғри эмас.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

«INSON RUHIYATI ITOATNI XUSH KO'RMAYDI...»

“Ёшлик” журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Фахриддин Ҳайит билан суҳбат

– Ижодий иштиёқнинг фаслларга алоқаси борми ва нега шундай? Айнан ўзингиз қайси фасллардан кўпроқ илҳомланасиз?

– Мен яқин-яқингача баҳор фаслини хуш кўра эдим. Аввал болалиқнинг, кейин ёшлиқнинг завқ-шавқи билан боғлиқ бўлса керак. Қолаверса, қишлоқда улғайганимиз, қўй ҳайдаб, мол боқиб юрганда далаларнинг буй-бастии билан яшилликка бурканганини, боғларнинг уйғонишини кўриб завқ туйганмиз. Уша далаларнинг ҳидини, шуқуҳини ҳозир ҳам соғинаман. Баҳорнинг ёмғирлари ҳам эрка, томчилар бутун вужудингда ўрмалагандек хуш кайфият, олам-олам шавқ беради. Устоз Абдулла Ориповнинг “Сен баҳорни соғинмадингми?” шеърини ёлғиз ўзим юрган кезларда, ўспиринлик паллаларида ҳайқириб айтиб юрардим.

Саволингиздан сал чекиниб, суҳбат қизиқ бўлиши учун бир воқеани айтиб бераман.

Кўчамизнинг адогидан катта бетон ариқ ўтган. Қизилдарёнинг кичик irmoғи. Унинг сўл қирғоғидан бошқа қишлоқ бошланади, овлоқ жой: ўша ерга уч-тўртта қўйларни ҳайдаб бораман. Катта ариқнинг иккинчи тарафидан, деразаси анҳорга қараган уй бор. Бу хонадонда оиламизга кадрдон инсонларнинг ўғли яшайди. Шаддодгина янгамиз шифохонада ишлайди. Бир куни уй бекасининг деразадан кўзи тушиб қолибди: мен роса ҳаяжонга берилиб, шеър ўқийётган эмишман. Четдан қараганда ғалати туюлган чоғи, секин акани қақриб келиб кўрсатибди: “– Ходим холини шу ўлгининг руҳиятида муаммо бор-ов, ўзи билан ўзи гаплашиб юради, – дермиш ачиниб. Акаям “йў-ей” деб қайта-қайта қарармиш. “Шоир эканингизни билмабмиз-да, ука”, деб ҳали-ҳали кулиб эслайди.

Аммо кейинги йилларда куз фаслига меҳрим ортган. Унда вазминлик бор, ҳазинлик бор, ҳокисорлик бор... Руҳимда шуни ҳис қилиб бошладим.

– Шоир аҳлининг саркаш ҳаётига кўникиб қолганмиз, тан олиш керак, ҳаёт тарзиди бундай умумийлик айниқса, шоирларнинг орасида кўпроқ. Бу қайсидир маънода улугларга тақдид қилиш натижасимини, ё инсон руҳиятидаги бир босқичми?..

– Яратган шундай чеварки, бир гулни иккинчисига ўхшамайдиган қилиб бичим солган. Ҳамма-ҳамма нарсани, одамларни ҳам... Мен афсус қиладиган бир жиҳат бор. Халқ орасида “шоирлар далли-дево-на бўлади, ҳаёт билан иши йўқ, ўз олами билан яшайди”, деган қараш пайдо бўлиб қолган. “Эй, шоир” деб бу хитобни ҳақорат даражасига олиб чиқишга ҳам улгурди. Инсон руҳи ўзи итлоатни хуш кўрмайди.

Шоир бўлса, оламни англашга уринган инсон, ичида осёни бор... Руҳи девоналиқни, узлатни, бошқалардан айро бўлишни хоҳлаган ижодкорлар ҳамма даврда ҳам яшаган. Либосни ҳам одам ўзига, руҳига, бичимига мослаб олади. Кимдир бетартиб яшайди, аммо уни шу кўйга солган шоирлиги эмасдир, қаёт, оилавий нотинчлик, иродасизлик шу даражага олиб келган бўлиши мумкин.

Ҳар таниқлининг ўз тақдидчилари бўлади: хоҳ шоир-ёзувчи, хоҳ санъат ё бошқа соҳа вакиллари бўлсин... Мен билганим, шоирлар – элнинг зиёлилари. Улар сўз билан инсон қалбини тафтиш қилади. Шифокор беморга инеция юбориб даволагани каби, ижодкорлар кўнглига ислоҳ юборади. Шундай экан нега улар “эй, шоир” деб ҳақоратланиши керак. Майли, улар сал хаёлчандир, уйчандир, одамовирокдир... Шоир-ёзувчилар элнинг оидинлари, уларнинг қалби зулматни ҳам ёритади. Қоронғуликни ёритаб турган чироқни уриб синдиригичи, зулматда эшикни толиб олгунча, пешона гурра бўлади. Уйлайманки, эл ўз ижодкорларини қадрлаши, ўз ўрнида, ижодкорлар ҳам халқчил бўлиши керак!

Неча йилдан бери матбуот соҳасида ишламан. Бирор шоир-ёзувчининг сурати газета-журналга сал каттароқ кетиб қолса, кўнгирак бўларди: “Нега катта бердинг, кичкинароқ бер”, деб. Аслида, ижодкорни эл таниса нима қилибди?! Одамлар, аввало чеҳрасини таниганларга эргашади, мана бунинг исботи, ўтган даврлар хусусий газета ва журналларда шапалоқдек қилиб, иккита қўшиқ айтганми, йўқми, хонандаларнинг расмини бериб, ёшлар ўшаларга эргашди, уларнинг энгил ҳаётига қизиқди, кейин нима бўлди, тан олиш керак – маънавият чўккалади.

– Адабиёт оламига қадам босиб, эндигина ном чиқараётган пайтларингиз шеърга муносабатингиз қандай эди-ю бугун қандай? Қайсидир қарашлар ўзгарган бўлса керак?..

– Адабиёт оламига кирдимми йўқми, буни ўзим ҳам билмайман. Буни адабиётшунослар, адабий танқидчилар ва ўқувчилар белгилаб беради. Бирок, адабиёт соҳасида ишлайман ва бундан мамнун бўламан. Чунки, мен фаолият олиб бораётган “Ёшлик” журнали бир пайтлар ёшлар адабиётининг катта мактаби бўлган: Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Тоҳир Малик каби улугларимиз пойдеворини кўйган, ижодий фаолият олиб борган. Шундай дароҳда ишлаш, албатта, менга шараф. Аммо қай даражада аврасини тортаётганим бошқаларга ҳавола. Чунки, босма оммавий ахборот воситаларига жамиятнинг муносабатини ҳамма кузатиб турибди.

Илк бор шеър қоралаб юрган вақтларим, янги туғилган шеърнинг устида қайта ишламас эдим. Ҳозир эса аксинча, баъзан қайта-қайта таҳрир қиламан. Албатта, яхши асарнинг остида катта меҳнат ётади. Шоир, ёзувчи, журна-



листлар ҳам ўзини ўзи таҳрир қила олиш фазилатини ривожлантириши керак. Бунинг учун вақт, журъат, ирода, қатъият топиши зарур деб уйлайман. Улкан ижодкор устозларимизнинг таҳрир мактаблари ҳақида эшитамиз, фақат эшитишимиз эмас, ўрганишимиз ҳам керак.

Талабаларимизнинг сўнги йилида “Гулхан” журналига ишга борганман, Ўзбекистон Халқ шоири Омон Матжон бош муҳаррир эди. Умрлари узоқ бўлсин, шундай улуг шоирнинг ёнида юриш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш, сабоқларини олиш, қўл ёзмалари ва таҳрирларини тузатиш насиб этган. Қандай бағрикенг инсонлар... ҳеч қандай таъмасиз, сизни кўллай олади, ўзининг эҳтиёжи бўлса ҳам ёрдам бера олади. “Илинж” деб номланган илк тўпламимни ўзларининг ҳисобидан чоп қилиб берган. Ана шундай инсонларнинг бироз тарбиясини, таълимини олсангиз ижодга ҳам, ҳаётга ҳам қарашларингиз ўзгариб кетар экан.

– Бурунги замондан зиёлиларимиз давлат билан халқ ўртасида воситачилик қилиб келишган. Масалан, ҳазрат Навоийга ҳам султон суянган, ҳам халқ... дегандай. Бугун ҳам шундай бўлаётми дея оласизми?

– Юқорида шоир-ёзувчининг жамиятдаги ўрни ҳақида тўхталдик. Шоир-ёзувчилар, умуман ижодкорлар фақат бадий ижод билан шугулланиб юрадиган инсонлар эмас. Оқ-қорани таниган, зиёли, виждони уйғоқ инсонлар сифатида жамиятдаги ўзгаришларга, дунёдаги ва юрдаги воқеаларга муносабатини айтиб туришга дахлдордир. Шоир-ёзувчининг либоси бу – самимият ва ҳақиқат бўлиши керак.

Азалдан ижод аҳли ҳокимият ва халқ орасида тарози вазифасини бажарган. Бугун ҳам шундай бўлиши учун одамлар китобни севиб ўқиши, зиёлисини таниши, унга эргашishi керак.

– Шеърнинг туғилиши, яъни қандай туғилиши ҳақида бошқа устозлардан унча-мунча гапларни эшитганмиз. Саволингизн хунқроқ жиҳати учун мени кечирган ҳолда, шеърнинг қандай яшashi... ва... ва ўлиши ҳақида гапириб берсангиз.

– Шоир шеърни кўнглида бунёд этади: унинг ашёси истеъдод, илҳом... ва албатта билим ҳам керак. Бошқаси шеър эмас,

чиرويلى сўзлардан қаланган сўзлама. Бир марталик мавзу учун ёзилган шеърларнинг қайта яшамаслиги табиий. Аммо шу каби мавзу устида шоир яратган фалсафа узоқ яшashi ҳам мумкин. Гафур Ғулومнинг “Турксиб йўлларида” шеърини болагимизда жаранглатиб айтиб юрардим:

Бу йўллар
кўп қадим йўллардир,
Жаҳоннинг фотиҳи
Искандар,
Рум қайсари, қотил Чингиз,
Боту, Жўш...

Аслида бу шеърни даҳо шоир ўлган асрда Туркистон – Сибирь темир йўлининг очилишига атаб ёзган ва ўқиган. Аммо йўл фалсафаси нуқтаи назаридан ҳали ҳам ўқишди.

Шеърнинг ўлиши эса, бу асли қалбнинг тугаши билан боғлиқ. Инсон темир механизмга айланса қалб тугайди. Қалб тугаса, ҳис-туйғу ўлади. Ҳис-туйғу ўлса, дунёда жаҳолат ҳукмрон бўлади. “Эй, шеърми...”, деб бурнини жийирган одамга разм солинг, у бадфеъл одам бўлади, шафқати, ори бўлмайди ичида. Ана шу одамнинг ичида қалб униб чиқмаган, бебахра... Аммо халқимизда бундай инсонлар кам учрайди. Ўзбекнинг феъли – шоирлик, шунинг учун шеърятни қадрлаймиз, болаликда қалам-дафтар тутиб ҳиссиётимизни унга туширишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек шеърятини ўзи бир чаман. Шундай чаманки, ранг-баранг гулларга бурканган. Сўнги пайтларда қўшни мамлакатлар, қардош халқларнинг, хусусан, ёш ижодкорларнинг ижоди билан танишимиз, таржима борасида ҳамкорлик қилдик. Тўғриси айтиш керак, ўзбек шеърятини анча байди. Бу тилимизнинг бойлиги, гўзаллиги, шу билан бирга адабиётимизнинг илдизи, таг томири чуқур ва мустаҳкам эканига боғлиқ.

Самимий ихорлар умрбоқий яшайди. Бугун ҳам жуда яхши шеърлар яраляпти, бироқ шеърнинг, шоирнинг тарғиботи кўнгилдагидек эмас. Ижтимоий тармоқларда шунчалик шеър, уни яратган шоир кўпки, танловда адасмасиз. Яна иддаоси баланд, улар ёзганим шеърми ўзи, деб истиҳола қилишмайди.

Айрим ёшларимизнинг ҳам ижоди билан танишсангиз, ўзи билиб-билмаган дарад тўла эканини кўрасиз, то босиб қолганми, деб ўйлашга эзгиршидан... Яқинда Зулфияхонимнинг шеърларини яна бир кўздан кечирдим. У кишининг ҳаётидаги қийинчиликларни, айрилик ва гам-андуҳни ҳамма билади. Аммо шеърларида уйғоқлик, ҳаётга ташналик, кўтаринки чорлов бор. Дарду гушсанли ҳам гўзал ташбеҳларда ифода этиб беради. Сиз айтгандек, ижодкор яратган асарнинг марказида инсон турар экан, ижодкор дегани уни ҳаётни севишга, неъматларига шукрона айтишга ҳам чорлаш керак!

Байрам Али суҳбатлашди.

KITOV FIKRLASHGA UNDAYDI

Президентимиз томонидан олға сурилган бешта муҳим ташаббусда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, республикамизда анъанага айланган “Ёш китобхон” танловининг ҳар йили юксак савия ва кўтаринчилик билан ўтказилаётгани ҳам бу борада амалга оширилаётган улкан ишларнинг бир қиррасидир.

Зеро, қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросини, умумбашарий маданият, ва дунёвий ҳамда диний илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини бутун аҳамияти ва салмоғи

билан ёшларимиз онгига синдириш бугуннинг асосий вазифаларидандир. Қолаверса, аждодларимизнинг ноёб асарларини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга безавол етказиш, уларнинг нодир меросини, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини хар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида китобхонлик маданияти муҳим ўрин тутаяди.

Жорий йилда ҳам ёш китобхонлар орасидан энг муносибларини танлаб олиш аллақачон бошланди.

Туманлар ва вилоятларда танловнинг илк босқичи қизгин паллага кирди. Айниқса, “Ёш китобхон” интернет танлови барча ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштирмоқда десак муволафа бўлмайди. Бугун аксарият юрагида ўти бор, китобга қизиққан ёшлар танловнинг саволларига тўғри жавоб бериш учун тинимсиз изланишмоқда. Биргина мисол, мактабда ўқийдиган қизларим бўш вақт тоғди дегунча танловнинг саволларига жавоб топишга ошиқишади. Бу ҳолат биз ота-оналарга ҳам юққан. Фарзандларимиз билан бирга китобхонлик қиялимиз, жаҳон адабиёти,

мумиоз ва замонавий ёзувчиларимиз асарларини қайта ўқиб чиқяпмиз. Асосийси, бу хайрли танловнинг натижаси мактабда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Аксарият ўғил-қизлар танлов саволларининг жавобини топиш хаёлида.

Шу ўринда Дени Дидронинг ушбу фикрлари беихтиёр ёдимга тушди: “Одамлар китоб ўқимасалар, фикрлашдан ҳам махрум бўладилар”. Дарҳақиқат, китоб бизнинг маънавий-тимизни, тафаккуримизни бойитишга ёрдам беради.

Санобар ПўЛЛатова,
Самарқанд вилояти, Иштихон туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

"KIMKI ELNI SHOD ETIBDUR, DAVLATI KAM BO'LMASIN"



*Ой догланур жамолин,
кўрсатса дилраболар,
Сумбул ўпар оёгин, кўзготса
дилраболар.
Гул очилур чаманда, олам
муаттар ўлгай,
Бир қафт билан ниҳолин,
тебратса дилраболар.*

Камтар шеъри билан айтиладиган ушбу кўшиқни миллий musiқа асбобларидан доира ва танбур жўрлигида эшитиб кўрганмисиз? Дилраболарни бир тинглаб кўринг-а. Бу кўшиқни эшитар экансиз беихтиёр нолалар ортидан эргашганингизни сезмай қоласиз. Майингина эсган шамол оғушидаги хаёл қум зарраларини секин-аста судраб-судраб кетаверади, кетаверади. Ярим йўлда зарраларга яна зарралар кўшилиб, энди бир ҳовуч тупроқ ҳосил бўлади. Кўшиқ авж пардалари кучайгани сайин шамолнинг одими ҳам кенгайиб бораверади. Дилраболар авж пардасига етганида куюн кўтарилиб, осмонда ғалаён бошланади. Водийлик марҳум ҳофиз Расулқори Мамадалиев ижросидаги кўшиқларни эшитган одам ҳам худди куюн каби осмонга кўтарилади.

"БАЁТ"ДАН "ОРОМИЖОН"ГАЧА

Расулқори Мамадалиев 1927 йилда Ушнинг Сўзоқ қишлоғида дунёга келади. Отаси Қўлдошали ака одамларнинг уйида мардикорчилик қилиб пул толар, онаси Бумайрам эса сомса ёпиб, чучвара пишириб бозорга олиб чиқиб сотар, шу тариқа турмуш кечиришарди. Расулқори Мамадалиевнинг кўзи туғма ожиз бўлса-да, санъаткор доимий изланишда бўлиб, кўплаб ашула ва чолғу йўлларини граммпластинка ёзувлари орқали

ўзлаштирган. Репертуаридан мақом ва мумтоз ашула йўллари ("Баёт", "Сеғоҳ", "Бебоқча", "Бозургоний", "Галдир"), замонавий бастакорлар асарлари ("Оқибат", "Топмадим", "Куйгай", "Салламо", "Ун сакки ёшиндадур"), катта ашулалар ("Айладинг-кетдинг", "Оҳким", "Изларман"), халқ ялла ва ашулалари ("Эй, дўст", "Ҳай-ҳай", "Оромижон") ўрин олган.

"КЎЗЛАРИ МУНЧОҚДЕК ҚОРА БЎЛСА-ДА, КЎРМАС ЭДИ"...

Тарих фанлари доктори, "Турон" ФА академиги Икромиддин Остонақулов "Сўз чамани ичра наво кўргизиб" номли рисоласида санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида чуқур мулоҳазали фикр юритади. Жумладан унда шундай сатрларга дуч келасиз:

"...Болакай тақдирга тан берган, сабрли эди. Тенгдошлари каби молқўй боққани қир-адирларга чиқа олмаса ҳам, кўча чангитиб болалар билан ўйнай олмаса ҳам қаттиқ азият чекмас, сабаби бувисининг Аллоҳнинг иродаси билан кўзи кўрмас бўлиб туғилгани тўғрисидаги гаплари кўнглига таскин берар, таъсирли нақл ва ривоятлар дилини овулар эди.

Тақдирини насиб деганларидек, гарчи боланинг кўзлари мунчоқдек қора бўлса-да, кўрмас эди. Шу билан бирга болакайнинг қадди-қомати келишган, юзлари лўппи, тишлари текис терил-

"ЙЎҒОН ЧЎЗИЛИБ, ИНГИЧКА УЗИЛАДИГАН" ЗАМОНЛАР ЭДИ

Расулқори Мамадалиевнинг асли ота авлоди Боғдод туманидан бўлиб тақдир тақозоси сабаб Ушга бориб қолганида Расулжон дунёга келади. Укасининг вафотидан сўнг отаси Қўлдошали Боғдод туманининг Дашт қишлоғидаги қариндошлариникига келиб тўсатдан тоби қочиб қолади. Орадан ўн беш кун ўтмай у ҳам вафот этади. Дадасининг ўлимидан сўнг бувиси уни Марғилонга олиб келади. Бу шаҳарда Мадали Ҳофиз, Уста Олим Комилов, Мухиддин қори Ёқубов, Болтабой Ражабов, Маматбобо Сатторов, Бобораҳим Мирзаев, Саодат Қобулова, Берта Давидова каби кўплаб санъат усталари туғилиб вояга етган. Ўзбек санъатини жаҳонга танитишган. У ерда Расулжон юқорида номлари тилга олинган санъаткорлар кўлида тарбияланади.

1941 йил "Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган" замонлар бошланиб Расулжон ҳам тирикчилик ўтказиш учун кўча боласига айланиб қолади. Бувисининг вафотидан кейин Марғилонда нон топиб ейиш амримаҳол бўлиб қолгач Боғдоддаги қариндошлариникига келишга мажбур бўлади. Одамлардан сўраб-суриштириб Дашт қишлоғига бориб отасининг бир кекса кампир

ДАШТ ЙЎЛЛАРИ ОРҚАЛИ МАШХУРЛИК САРИ

Шундай қилиб Дашт қишлоғи орқали Бувайда туманининг Янгиқўрғон қишлоғига ўтади. У ерда бир чойхонада самоварчи бўлиб ишга киради. Бувайданинг одамлари ашула ва musiқага, аския санъатига, адабиётга ишқибоз бўлиб бу муҳит чойхонага ҳам кўчган эди. Расулжон халқ ўртасида ажойиб кўшиқлар айтиб танилади. У кўпроқ Жўраҳон Султонов ашулаларини куйлашни хуш кўрар эди. Расулқори Мамадалиев бир неча йиллар бувайдалик ҳофиз Комилжон Ҳамроқулов билан ҳамнафасликда ашула куйлайди. Бу икки хофиз Тошкентга таклиф этилиб Юнус Ражабий томонидан кутиб олинади ва икки хофизнинг ўндан ортиқ ашулалари ҳам радио фонетикаси учун, ҳам мақом хазинаси учун магнит тасма-сига ёзиб олиниб радио орқали бериб борилади. Комилжон Ҳамроқулов жароҳлиқ операциясини бошидан кечирганидан сўнг ашула айтишдан тийилгисга мажбур бўлади. Унинг ўғли Раҳимжон Камолов Расулқори Мамадалиевга отаси ўрнида ҳамроҳ бўлади. Яратган Расулқори Мамадалиевга 10 нафар фарзанд ато этди.

"...Афсус ва надоматлар бўлсинки, бу инсонга мустақиллик ва истиқлолимиз нашидасини суриш насиб этмади. Шўро даври маданият арбоблари охири пайтда Расулқори Мамадалиевнинг репертуарида замонавий бастакорлар ижодидан намуна йўқлигини пеш қилиб, ҳаммаси ўтмишдаги меросдан иборат, деган баҳона билан радиого ёзишга рухсат беришмайди. Бундан хофиз ранжиса-да, сукут сақлаб узлатни ихтиёр қилади. Агар узоқ умр кўриб мустақилликкача етиб келганда эди, келажак авлодга маданий меросимиз, ўзбек мумтоз кўшиқчилиги, халқ оғзаки ижоди ва аскиячилигини тушунтиришда жуда катта тирик манба бўлиб хизмат қилган бўлур эди..."

Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир вилоятида, йирик шаҳарларимизда қатор уй-музейлар ташкил этилган. Ана шу хайрли ишнинг давоми сифатида Бувайда тумани марказида ҳам "Санъат ва маданият музейи" ташкил этилса. Қолаверса, енгил-елпи, бачкана оҳанглардан чарчаган халқимизга Расулқори Мамадалиевнинг ҳаёти ва ижодини кўрсатиб беравчи фильм ишланса, бу миллий musiқамизнинг чинакам ютуғи бўларди. Бу борада вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда миллий кўшиқчилигимиз шайдоси бўлган сахий ва олижаноб замондошларимиз эътибор қаратишса, ёрдам қўлларини чўзса миллий санъатимиз яна бир ноёб ижод намунаси билан бойишига ҳисса қўшган бўлар эдилар.

Зеро Расулқори ҳофиз Чустий газалини ёниб куйлаганидек,

*Яхшилар етсин
муродга-кўнглида
ғам бўлмасин,
Кимки элни шод
этибдур, давлати
кам бўлмасин.*

НИГОРА РАҲМОНОВА.



Расулқори Мамадалиевнинг репертуарида замонавий бастакорлар ижодидан намуна йўқлигини пеш қилиб, ҳаммаси ўтмишдаги меросдан иборат, деган баҳона билан радиого ёзишга рухсат беришмайди.

ган маржондек, овози жарангдор, тили бурро, эшитиш ва ёдда сақлаш қобилияти гоят кучли эди..."

Тақдир Расулқори Мамадалиевни нафақат тийран нигоҳларидан балки яқинлари дийдоридан ҳам эрта айрилишга мажбур қилади. У дастлаб онасидан, сўнг укаси Ҳосилжондан ва кўп ўтмай дадасидан ҳам ажралгач бувасининг қарамоғида қолади. Аясининг вафотидан сўнг укасига суяниб қолган эди. Фалокат сабаб укасининг думба қисми сандалдаги чўгга куйиб у ҳам бу дунёни тарк этади. Муаллиф Ҳосилжоннинг аянчли ўлимини шундай тасвирлайди.

"...Сахарга яқин бувиси отасини қаттиқ овоз билан уйғотганини эшитиб, Расулжон ҳам чўчиб уйғониб кетди. Бувисининг гап-сўзларидан билдики, укасининг аҳволи жуда оғирлашиб қолган. У ўзи билганича дуолар ўқиб, ичида қайтариб, укасига соғлиқ сўрарди. Кампир уйга бет-қўлини ювиб қайтиб кирганида набирасининг икки марта "ху-ху" деганини, сўнгра нафаси ичига тушиб, жони узилганини билди..."

қариндошиникида қўним топади. Кампирга эса кўлидан ҳеч нарса келмайдиган, кўзи ожиз, ейман-ичаман деган ўспирин қариндоши ёқмайди.

"...Кампирнинг бир муомаласи умрбод Расулжоннинг эсидан чиқмайди. Кейинчалик бу воқеани фарзандларига ҳам айтиб берган экан. Воқеа бундай бўлган. Қиш кунларидан бирида Расулжон сандалда ётган эди. Эшик тўғрисида ётар экан, ташқаридан совуқ изғирин орқасига келиб урилади. Оёғи иссиқ бўлса-да елкалари, бели совуқдан ачишиб оғриб бошлайди. Совуқдан қочиб сандалнинг бошқа томонига ўтиб, ётиб олади. Иссиқ хуш ёқиб, кўзини уйқу элитади. Бир пайт кампирнинг шанғиллаган овозидан уйғониб кетади. "Нега менинг жойимга ётиб олдинг, етимвачча?" деб чунонам қаттиқ тепадикки. Бола бечора сандалнинг бошқа томонига ўтиб кетади. Расулжон оғриққа чидай олмай, ўқиб-ўқиб йиғлайди. Ортиқ бу уйда тура олмаслигига кўзи етиб, бошқа жойга кетишга қарор қилади..."

ZULMAT KO'CHASIGA QADAM BOSMANG

Карнай-сурнай, ноғора садолари маҳаллани тутиб кетди. Тўй яхши-да, барибир, қалбга завқ-шавқ бағишлаб, бир ёруғлик инади. Ана, бир-бирдан басавлат куёв жўралари ҳам кўринди. Бир зумда худди эртақдаги маликалардек ясанган келинчаки олиб кетишди. Тўйнинг овозидан келин-куёвни бир кўриш илинжида йиғилган қўшни келинлару бўй қизлар, болажонлар ҳам тарқалишди. Биргина Назокатнинг дили хуфтон бўлиб, эски яраси яна янгиланди. Аслида унинг ўн беш йиллик изтиробли ҳаётига бу ҳолатнинг алоқаси йўқ, аммо Назокат нукул бахтсизлиги айнан шу тарзда бошланганига иқроқ бўлаверади.

Қайданам дугонаси Лобарнинг тўйида Бахтиёрга кўзи тушди. Ота-онасию яқин қариндошларининг қаршиликларига қарамай, у билан турмуш қурди. Қизи Афрўзанинг ногирон туғилиши, нобуд бўлиши оқибатида пинҳон сирлар очилди. Орада қанча гафво, қанча жанжал билан никоҳи бекор бўлди. Иккинчи турмуши рисоладагидек эди. Аммо қайнонасининг олти йил фарзандсизлик важидаги сўз-тарсақлари сабаб барбод бўлди. Учинчи турмушида у ўғай она деган ном билан атала бошлади. Чадади, ҳаётини изга солишга, бахтли оиланинг бекаси бўлишга ҳаракат қилди. Ҳозир, кўзинг демая: "Ўғай барибир ўғай эканда", дея эри тошдан қаттиқ таъналар билан фарзандларининг тўқиган юз нағмасига ишониб онасиникига ташлаб кетди. У қаддини ростлаб яна қайтиб тик туришга ўзида куч тополмади. Шундан буён ёлғиз, онасининг уйига сизинди, бир касалманд аёл. Фақатгина ишга бориб ўзини овутади, дардини арилади. Назокатнинг тақдирини қанчалар қисқартириб айтишга ҳаракат қилганим сайин елкамни бу тақдирнинг аламли оғриқлари босиб боряпти. Балки гапни айлантирмай бир сўз билан, ҳаммасига Бахтиёرنинг гиёҳвандлиги сабаб, деганим дурустдир.

Гиёҳвандлик – боши берк кўча. Бу кўчага ўзи хохламайгина тақдир тутаган бир аёлнинг аччиқ, изтиробли қисмати. Бу аёлнинг айби нима? Бахтиёрга кўнгли тушганими? Мурғаккина Афрўзанинг-чи? Агар у соғлом бўлганида, нобуд бўлмаганида шу оилага қанча қувонч улашарди? Бу оиланинг бахти нега барбод бўлди? Ушбу саволларнинг жавобиди тақдир йўлларида бой берилганларни бирма-бир санаб эзиласан, киши. Бу кўргуликларнинг



бир учи доим Бахтиёرنинг гиёҳвандлиги билан туташиши мана ўн беш йилдирки, Назокат қалбини ўртаб, эзади.

Афсус, бугун орамизда бундай оғриқ билан эзилаётганлар йўқ, деб айта олмаймиз. Инсон онгли эканлиги билан табиатнинг энг олий мавжудоти бўлса, онгсизлиги билан энг ёмон махлуққа айланади. Бунинг биргина кўриниши – гиёҳвандлик. Энг асосийси ва даҳшатлиси, гиёҳвандликка ружу қўйган кимсанинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиши. Бу эса инсон ҳаётининг бутунлай издан чиқиб, ҳар тарафлама таназзули дегани. У бу йўлга билиб кирдим, адашиб кирдим, бунинг фарқи йўқ.

Кейинги йилларда ер юзиди гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладиган, унинг ғайриқонуний савдоси билан шуғулланадиган одамлар тобора кўпайиб бораётганлиги барчамизни огоҳ бўлишга ундайди. Чунки ногирон болаларнинг дунёга келиши, наслнинг бузилиши, ажримларнинг ортиши, жиноятчилик, фоҳишабозлик каби иллатлар асосда ҳам айни шу бало – гиёҳвандлик ётиши ҳеч биримизга сир эмас.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича 200 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандлик ботқоғига ботган. Унинг до-

“
”
Гиёҳвандлик – боши берк кўча. Бу кўчага ўзи хохламайгина тақдир тутаган бир аёлнинг аччиқ, изтиробли қисмати. Бу аёлнинг айби нима? Бахтиёрга кўнгли тушганими? Мурғаккина Афрўзанинг-чи? Агар у соғлом бўлганида, нобуд бўлмаганида шу оилага қанча қувонч улашарди? Бу оиланинг бахти нега барбод бўлди? Ушбу саволларнинг жавобиди тақдир йўлларида бой берилганларни бирма-бир санаб эзиласан, киши.

мига тушиб қолаётганлар сони эса кундан-кунга ортиб бораётгани муаммонинг бир томони бўлса, гиёҳвандликка чалинган бир нафар кимсанинг йил давомида ўнлаб иродаси суст кишиларни ўз сафига қўшиб олиши яна бир таъна ҳолатдир. Олимпларнинг тадқиқотларидан шу нарса аён бўлдики, гиёҳвандлар асосан 16 ёшдан 35 ёшгача бўлиб, ақсарияти ўзига тўқ оилалардан экан.

Юқориди мисол келтирганимиз Бахтиёр ҳам бир оиланинг бахтиёр ўғли эди. У ўзини гиёҳвандлик сиртмоғи билан осди. Ёш умрини хазон, нафақат ўзини, балки гўлдек аёлини ҳам бахтиқаро қилди. Ўз зурриёди умрига зомин бўлди. Ота-онаси, яқинлари қалбини оқибати совуқ қилмишлари билан яралади. Алалхусус, бу тўқликка шўхликнинг бадал қанчалар изтиробли. Бу изтиробда, оилада фарзанд тарбиясига эътибор қаратиш керак, деган бир акс-садо қайтаётгандек гўё.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобиди нашанинг одам организмига салбий таъсирини баён этган бўлиб, китобнинг иккинчи жилди 634-мақоласида "Наша уруғи кўп истеъмол қилинса, бефар-

зандликка олиб келади" дейилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ҳозирги пайтда эса гиёҳвандлик оғир ва қийин даволанадиган касаллик ҳисобланади. Унинг оқибатида инсонда оғир руҳий, жисмоний, маънавий ўзгаришлар, тушкунликка тушиб қолиш ҳолатлари кузатилади. Қолаверса, ОИТС юқиши, иммунитетнинг сусайиб кетиши, хавфли йирингли-инфекцион касалликлар пайдо бўлиши билан бирга, бош мия, юрак ва ўпканинг фаолиятидаги бузилиш ва бунинг аслига қайтмаслиги ачинарли. Шунингдек, касалликда дастлаб аниқ аломатлар кўзга ташланмаслиги, хасталик авж олганда – белгилари яққол кўринганда эса уни даволаш ниҳоятда қийин кечиши ёки амалда умуман даволаб бўлмайдиган ҳол вужудга келиши таъкидланади. Даволанишнинг мураккаблиги шундаки, тиббий йўл билан жисмоний боғлиқликни йўқотиш мумкин, руҳий боғлиқликни эса тиббий йўл билан бар-тараф этиш мушкул. Бунда метин ирода, сабр-бардос ҳамда атрафдагиларнинг қўллаб-қувватлаши учун афсусланиб, тавба қиламиз. Аммо ҳали мактабни тугатмаган болаларнинг шундоққина йўл чеккасида сигарет тутатаётганига ноғохон кўзимиз тушганда, бир оғиз танбех беришга иккиланамиз ёки эътиборсиз ўтиб кетамиз. Аслида биздаги ана шу эътиборсизлик, ёшлардаги қизиқувчанлик бир кўнгилсизлик келиб чиқишига етарлидир.

БМТ томонидан тайёрланган ҳисоботда маълум қилинишича, ҳар йили дунё миқёсида гиёҳвандликка чалинган 200 минг киши ҳаётдан кўз юммоқда. Бу йўл транспорт ходисалари чоғида қурбон бўлганлар сони билан таққослаганда 6 мартаба кам экан. Бу шунчаки келтиришлар эмас. Бу шунчаки аянчли қисмат дегани. Маълумотлар қанчалик ортиб, қанчалик камайсин ёки янгилансин, бу оғуға берилиш шу тахлитда таъсир ўтказаверади. Алам-ли турфа тақдирлар, афсус-надоматга тўла ҳаёт, катта-кичик қурбонлар берилаверади. Мақола авваллидаги Назокат ҳам шундай қурбонлардан биттаси. У сингари қурбонлар, боши берк кўчага ўзи билиб-билмай кириб қолиб, дарди ичиди юрганлар қанча. Дарднинг оғир-енглиги эса ҳар кимнинг ўзига аён. Кимдир ўзини оқласа, кимлардир кўргулигига куяди.

Айтаримиз, кўзингизни очинг, бу зулмат кўчага яқин йўламанг, токи унинг аламли изтироблари ҳаётингизга соя солмасин.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

Яқинда жиянимнинг ёстиғи остига яширган пулларини топиб олдим. Аввалига бунча пулни қаёқдан олган экан дея, хаёлимга ҳар хил фикрлар кела бошлади. Кейинчалик билдимки у, аёллар байрамига ойиси учун совға сотиб олиш мақсадида пул йиғаетган экан.

Бола бегубор бўлади, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати катталарни лол қолдиради. Эндигина 4-синфини битираётган жиянимнинг бу иши мени ҳам ёқа ушлашга мажбур қилди. Биламизки, кўпчилик одамлар пул борасида нафсини тийламайди, аммо ёш болаларнинг, шу кичкинагина ақли билан, ўзини кўп нарсалардан маҳрум қилиб пул йиғаетганига ҳайрон қолмаслигининг илоҳи йўқ. Мана шундай тежамкор болалардан бири 7-синф ўқувчиси Хумоюн АНВАРОВНИНГ махсус пул йиғадиган идиш(капилка)да ўз жамғармаси борлигини эшитиб, ундан бу ҳақда батафсилроқ гапириб

Yaxshi muhit yaxshi odatni paydo qiladi

беришини сўрадик :

– Бундан икки йил аввал яқин дўстим туғилган кунимга бўри кўринишидаги сопол капилка яъни пул йиғиш учун мўлжалланган ҳайкал совға қилди. Тўғрисини айтсам, дўстимдан бу совғаси учун жуда миннатдорман, чунки шу кичкинагина қути мени қутулмаган эҳтиёлларимни қондирапти. Мен унга ҳафтада икки-уч марта пул солишга одатландим ва бу пуллар менга кўпича байрам ва туғилган кунларда асқотяпти.

Айни мавзу юзасидан болалар психолоғи Камола МУҲАММЕДЖАНОВА ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди:

– Болани тарбиялаш жараёнида аввало, уни керак ва ноқерак нарсалар билан (кераксиз нарсаларга пул сарфлаш нотўғри эканлигини айтган ҳолда) таништириб ўтиш лозим. Қуш

инида кўрганини қилади мақоли исботи ўлароқ, гап яна оиладаги вазиятга бориб тақалади! Яъники, оила аъзолари ўртасида, бирор каттароқ нарса харид қилиш учун пул йиғиш ҳақида гап борадими, болада "демак мен ҳам мана шу усудда пул йиға оламан" каби фикрлар пайдо бўла бошлайди, унда кунлик харажатларини қисқартириб пул йиғиш истаги туғилади. Кейинчалик эса кўникма ҳосил бўлади, аста-секин ундаги сабр шакллана бошлайди. Унда пайдо бўлган қатъият, қундалик берилаётган пулларни қандай ишлатишга, беҳуда нарсага сарфламасликка ундайди. Рағбатлантириш учун берилган пулларни ҳам айнан ўша жамғармасига солишга одатланаётган бола, бу пулларни фақатгина фойдали нарсага сарф қилгиси келади. Жамғармаси унинг учун пешона териси билан топган пулдек қадрли бўлиб қолади. Шунинг

учун ҳам болажонлар кўпича ўз оналари ва яқинлари учунгина пул йиғишни мақсад қилишади.

Бу жараённинг бола психологиясига ижобий таъсирларидан бири, бу унда шаклланиши мумкин бўлган зикналик характерларини йўқолишига ёрдам беради. Бу унинг келажақда ҳам тежамкор бўлишини, пул масаласида ҳаммиша ўйлаб иш қилишини таъминлайди.

Бувим ҳар бир яхши одатнинг чиройли фойдаси бўлади, дейдилар. Демак, болажонларнинг бундай чиройли одатлари ҳам, яқинларини хурсанд қилиш билан бирга ўзлари учун ҳам фойдали экан. Фарзандингизда яхши одатлар бўлишини истасангиз, оиладаги яхши муҳит билан унга ўрناк бўлинг.

Василабону тайёрлади

Мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилаш, у ерда истиқомат қилаётган фуқароларимиз учун шаҳар жойлардан кам бўлмаган турар жой массивларини қуриб, фойдаланишга топшириш ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида кенг кўламли давлат дастури амалга ошириб келинмоқда. Қолаверса, яқинда Президентимиз Мурожаатномасида бу ҳақда ҳам алоҳида тўхталиб ўтганликларни фикримизга яққол мисол бўла олади.



OBOD MASKANLAR OBOD XONADONDAN BOSHLANADI

Жумладан, Мурожаатда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, қишлоқ жойларда - 17 минг 100 та, шаҳарларда - 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилиб, кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оиллага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 22 ноябр кuni қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш лозимлиги, бунинг учун йилга қарийб 30 трлн.сўм маблағ зарур бўлиши, 2020 йилдан бошлаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида янги тизим жорий этилиши, унда уйлар давлат томонидан эмас, балки хусусий сектор томонидан қурилиши, давлат аҳолига ипотека кредитларини мақбул шароитларда бериш орқали уй-жойга талабни қўллаб-қувватлаш қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига кўра (манба: cbu.uz) 2019 йил давомида тижорат банклари томонидан 67.261 нафар жисмоний шахсга 7,9 трлн.сўм миқдорда (2018 йилга нисбатан 66,6 фоизга ёки 3,2 трлн.сўмга, 2017 йилга нисбатан эса 2,8 баробар кўп) ипотека кредитлари ажратилган.

Бу борада, банкимиз томонидан на-

мунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштиришда, уй-жой олувчи фуқароларга 2019 йилда 1 трлн. сўмдан ортиқ ипотека кредитлари ажратилди.

Аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, фуқароларга ипотека кредити беришнинг замонавий бозор тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, уй-жойлар қурилишига хусусий пудрат ташкилотларини ҳар томонлама жалб қилиш ва бу тизимга тўлиқ ўтиш, тижорат банклари томонидан молиялаштиришни босқичма-босқич ошириш, шунингдек, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни кучайтириш, ер ресурслари

асосида жойлаштиради;

- тижорат банклари аҳолига ўз маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитларини тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари бозор ставкаси бўйича, битта қарз олувчига бериладиган кредитнинг чекланган миқдори белгиланган ва қарз олувчига уй-жойнинг жойлашган жойи ва майдонини мустақил равишда танлаш ҳуқуқи берилган ҳолда тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари бирламчи уй-жой бозоридан

2020 йилда қишлоқ жойларда "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ иштирокида 8000 та арзон уй-жойлар қурилиши кўзда тутилди.

Бунда қишлоқ жойларда кўп қаватли арзон уй-жойларнинг қурилиши уларни камида 100 квартирани ўз ичига олган микромаассив шаклида фақат аҳоли зич яшайдиган ҳудудларга жойлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Фармоннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки эндиликда, айрим шахсларга, шу жумладан кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланади.

Янги тартиб доирасида субсидиялар: қишлоқ жойларда – биринчи беш йил давомида ипотека кредити бўйича фоиз тўловлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун - 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига;

шаҳарларда - дастлабки бадалнинг бир қисмини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун уй-жой ҳисобланган қийматининг 10 фоизи миқдорда ва биринчи беш йил давомида кредит бўйича фоизларни қоплаш учун - Тошкент шаҳрида 12 фоизлик пунктдан ошган қисмига, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади.

ушбу янги тартиб бўйича қишлоқ жойларда 4000 та, шаҳар ҳудудларида 13750 та уй-жой қурилиб, 13200 та уй-жойга талабдор фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар тўланади.

Субсидия ажратилинадиган фуқароларни танлаб олинишида, адолатлилик, шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида танлаб олинишни таъминлаш мақсадида мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда махсус низом ишлаб чиқилмоқда.

Субсидия ажратилишида, муҳтож фуқароларни ортиқча сарсонгарчиликларни олдини олиш мақсадида, ушбу фуқаролар томонидан субсидия олиш юзасидан аризаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юбориш тизими жорий қилинади.

Бир сўз билан айтганда, ватанимизда фуқароларни эркин ва фаровон яшашлари, обод масканларда ҳаёт кечиришларини таъминлаш борасида Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган хайрли ишлари бундан бунён ҳам изчил суръатларда давом эттирилади.

Алишер РАВШАНОВ,
"Қишлоққурилишбанк" ахборот хизмати.



ридан оқилана фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрда "Ипотека кредити механизмларини тақомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-5886-сонли Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилади.

Янги тартибга мувофиқ:
- қишлоқ жойларда кўп квартиралар арзон уй-жойларнинг қурилиши уларни камида 200 квартирани ўз ичига олган микромаассив шаклида амалга оширилади.

- ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пул маблағларини тижорат банклари 15 йил муддатта бозор шартлари

сотиладиган квартираларни (шу жумладан, янги тартиб доирасидан ташқари қурилган ва бирламчи уй-жой бозоридан сотиладиган квартираларни) сотиб олиш учун қуйидаги шартларда берилади:

қишлоқ жойларда - уй-жой ҳисобланган қийматининг 90 фоизидан ошмайдиган миқдорда 15 йил муддатта ва дастлабки бадали сотиб олинмайдиган квартира қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда;

шаҳарларда - уй-жой ҳисобланган қийматининг 80 фоизидан ошмайдиган миқдорда 15 йил муддатта ва дастлабки бадали сотиб олинмайдиган квартира қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлари бўйича фоизлар мутаносиб равишда камайдди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

2020 йилда янги тартиб доирасида уй-жойлар:

қишлоқ жойларда - Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари шаҳарларига ва туман маъмурий марказларига туташ ҳудудларда;

Тошкент шаҳрида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида қурилади.

Бундан ташқари, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ иштирокида қишлоқ жойларда арзон уй-жойларни қуриш дастури, "Ўшаҳар қурилиш инвест" ИК МЧЖ иштирокида шаҳарларда кўп квартиралар арзон уй-жойларни қуриш дастурлари муддатлари тугагунига қадар сақлаб қолишга розилик берилган бўлиб,



O'RGANISHNING HAM ME'YORI BOR

Яқинда бир танишим инглиз тилини мукамал ўрганиб, чет элда ўқишини давом эттиришини айтиб қолди. Айтишчи, Европада ўқишини тугатиб, ўша ерда яшашни ҳам мақсад қилган. Танишим ғарбнинг чексиз имконияти, ривожланганлигини, ҳамма нарса бисёрлигини тинмай таъкидларди ва ниятига собит қолишини, бугунги замонавий инсонларнинг тўғри танлови Европага кетиш эканлигини завқ-шавққа тўлиб гапирарди.

Ҳа, ғарбдан, бошқа чет давлатлардан ўрганишимиз керак бўлган нарсалар бисёрдир. Лекин "намунали" кўриниши ва жилвали ҳашамат ниқоби остида ўз маданиятини тарғиб қилаётган ғарбнинг асл юзини билиб қўйсак фойдадан холи бўлмайди.

"Русская Правда" нашрида Алейк Сакалюк муаллифлигида эълон қилинган мақолада Ғарбда мавжуд бўлган ноодатий ва инсон деб номланган онгли мавжудотнинг қай даражада тубанликка юз тутаётгани ҳақида сўз боради.

1 Бугунги Германияда жинсий бузуқлик, гомосексуализм одатий ҳолга айланиб бўлди. Ҳаттоки, Гамбургнинг собиқ ҳокими ва Берлин ҳокими очикча гомосексуаллар тоифасига мансуб экан. Германия мактабларида жинсий муносабатлар ҳақида таълим бериш, ўргатиш йўлга қўйилган ва бундай тизимдан бош тортаётганлар катта жарима ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

2 Нидерландияда 2002 йилдаёқ эвтоназияни қонунийлаштирган биринчи мамлакат ҳисобланади. Ўша вақтдан бери ҳар йили 3 мингдан ортиқ одам бу ҳуқуқдан фойдаланади. Эвтоназия нима? Эвтоназия – юнонча "яхши ва осон ўлим" деган маънони билдириб, ҳар хил ҳаракатлар ёки қуроллар



билан, унинг ичида ҳаётини сунъий йўл билан ушлаб турган асбобларни ишини тўхтатиш йўли билан беморнинг ўз ўлимини тезлатиш ҳақидаги илтимосини қаноатлантириш, шунингдек, чидаб бўлмас оғриқ ёки бедаво касалликка учраганларнинг ҳаётини ҳам тўхтатиш демакдир. Ҳозирда эса моҳир бош шифокорларнинг махсус бўлимаси тузилиб, хонадонларда эвтоназия қилдириш ҳолатлари учрамоқда. Энг ачинарлиси, BBC Newsнинг хабар беришича, бу давлатда 3 педофиллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сиёсий партия рўйхатдан ўтган. Партиянинг асосий мақсади жинсий муносабатлар жоиз бўлган 16 ёшни 12 ёшга туширишдир. 4 Улар ҳайвонлар (зоофилия) жинсий муносабатлари ҳамда болалар порнографиясини ҳам



қонунийлаштиришмоқчи эканлиги даҳшатга солувчи ҳақиқатдир.

Норвегияда эса ахлоқ чегараларининг умуман мавжуд эмаслигини биригина мисол билан келтириш мумкин. Ота-оналари билан биргаликда норасида болакайлар қўлларида гомосексуализм, яъни бир жинсли никоҳни тарғиб қилувчи транспортларни тутганча парадларга отланганларнинг сийратиди кўриш мумкин. "Қуш уясида кўрганни қилади", деганларидек бундай болаларнинг келажаги соғлом бўлишида ким кафолат беради?

Ажабланарлиси, бу давлатда йиғлаш қонунан тақиқланган бўлиб, кўз ёшлар – рухий беқарорлик аломати сифатида қаралади. Айнан Европанинг ёшлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш (ювенал) тизими оилани барбод ва вайрон этадиган жазоловчи идорага айланган.

Масалан, ҳар йили Швецияда ўртача 12 минг бола ўз ота-онасидан тортиб олинади.

Мана, биз севиб, тақлид қилган, боришни ва яшашни ҳам орзу қилган ҳақиқий ғарбнинг асл башараси.... Аллоҳдан юз ўгириб, бутларга сиғиниш ва шу нарсаларга мурожаат қилиш натижасида, ғарбдан эсаётган бузуқлик "шамол"и бутун ер юзига шиддаткорлик билан тарқалмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур давлатлардаги "ўзгача ҳаёт" оддийгина глобализм, интернет, мода этолони ёки чегараларни бузиб яшаш ҳақидаги поп мусиқалар орқали осонгина дунё ёшлари ҳаётига кириб келмоқда. Бундай ҳаракатлар замирида, бутун бир миллат генофондининг йўқ бўлишига уриниш ётмайди? Ёки оила, никоҳ деб ном олган муқаддас тушунчаларнинг умуман емирилиб кетгани, эркак ва аёл, айниқса ёшларнинг ҳаё пардаси кўтарилиб, уларнинг инсоний муносабатларига дарз етказишни мўлжалга олмаганимикин?

Шу ўринда ғарбдан оқиб келаётган фильмлар, анимацион мулфильмлар ва оддий рекламаларнинг ҳам моҳиятига назар ташлаш ва уларнинг айнан бизнинг кадриятларимизни толтайдиган, инсон психологиясига тажовузкор, ғаламис гоёларни сингдирадиган нуқталаридан воз кечишимизни тақозо этади. "Ғарб" деса оғзидан сўлақлари оқиб, у ерни мақтайдиганлар, афсуски, ора-мизда топилади. Доно халқимизда бир мақол бор: "Усти ялтироқ, ичи қалтироқ". Ортиқча ҳашам, кўзни оладиган дабдабаларнинг қурбони бўлмайлик. Оила, ота-боболаримиз, нуроний онахонларимиздан қолган муқаддас кадриятларимизга, ўзимиз ва ўзлгимизга хиёнат қилмасдан, ёшлигимиз сонияларини ғарбнинг "цивилизациялашган" маданиятидан асрайлик. Зеро, бу эҳтиёткорлик жамиятни ақлий таназзул ботқоғига ботишдан сақласа не ажаб.

Чўлпоника АХМЕДОВА,
Журналистика ва оммавий
коммуникациялар
университети талабаси

EL-KASTILLONING UCH DAVRIDAGI ENHOMLARI

Биз "Эхром" сўзини тилга олганимизда барчага машҳур бўлган Мисрнинг осмонўпар пирамидалари кўз ўнгимизда гавдаланади. Аммо сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган эхромлар "Майя" эхромларидир.

Мазкур пирамидалар ер юзининг энг қадимги цивилизациясидан дарак беради. Бу жозибадор эхромлар ҳозиргача олим ва саёҳатчиларни ҳайратга солиб келмоқда. Мексика давлатининг қадимги Майя қабиласи томонидан барпо этилган ушбу пирамидалар ўн минг йилдан буён ҳамон улғуворлигини йўқотмаган. Қадимдан майялар табиатан моҳир шаҳарсоз, ҳайкалтарош, зироатчи ва муҳандис бўлишган.

Маълумотларга қараганда Майя пирамидаларининг асл номи "Эл-Кастилло" бўлиб, Майялар ушбу тарихий эхромни уч даврга бўлиб қуришган.

550-800-йиллар, 800-1000-йиллар ва 1050-1300-йиллар оралиғида. Не сабабдан бундай тарзда эхромнинг барпо этилгани хали-ҳамон номаълум. Шу билан бирга Майя эхромининг ички қисмида яна 20 ва 10 метрлик пирамидалар топилган. Пирамидаларнинг бири рус ўйинчоғи "матрёшка" га ўхшаб кетади. Инсон ақл-заковатининг меваси бўлган бу тарихий обидани тўлақонли ўрганиш ишлари неча асрлардан бери давом этмоқда. Олимлар, эхром Майя қабиласининг муқаддас

ер ости дарёси устида қурилганини аниқлашган. Ҳар бир Майя подшоҳи ўзининг ҳукмронлик даврида эхромга бир йирик тош қурдириб кетган, демак эхромдаги минглаб тошлар худди шу миқдорда подшоҳ ўтганидан далолат беради. Эхром 24 метр баландликка эга. Уни 4 томондан 91 тали зиналар ўраб туради. Агар зиналарнинг охири платформаси билан ҳисобласак, 365 босқичдан иборат эканлиги намён бўлади. Бу рақам машҳур Майя календари асосида танланган. Яна бир қизиқ томонига эътиборингизни қаратинг, яъни бундан бир неча аср муқаддам археологлар Чичен Итса яқинида, ер остидан Майя эхромини қазиб олишди, шунда уларнинг кўзи эхромнинг атрофида тўп ўйнаш учун махсус яратилган майдонга тушди. Бу майдоннинг асосий вазифаси нима эканлиги ҳозирги кунгача, номаълумлигича қолмоқда.

Археологлар қадимий Чичен Итса шаҳрида жойлашган Майя пирамидаларини ўрганишга бир неча йилларни бахш этганлар. Ҳашаматли

конструкциялар сирларини ўрганиш мақсадида олимлар ер остида жойлашган тор йўлакчалардан ўтишлари керак бўлади. Уларнинг фикрига кўра, ушбу туннеллар турли иншоотларни ва муқаддас қуроларни бир-бирига боғлаб турган бўлиши мумкин. Археологларнинг фикрича яна ўрганилмаган сирли ерости йўлаклари эхромдан бир неча километр узоқликка чўзилиб кетган.

Майялар шунчалик билимдон халқ бўлишгани, Европада математика ва геометрия тараққий этмаган вақтларда шундай ажойиб иморатни қуришганлигига ишонинг келмайди. Мазкур эхромни "Овозлар шаҳри" ҳам дейишади. Чунки бу ерда энг паст овоздаги шивирлаш ҳам янграқ акс-садо қайтаради. Ўз вақтида ана шундай иморатни қурган Майя қабиласини қаерга гойиб бўлганини ҳеч ким тушунтириб беролмайди, улар иссиз йўқолишган.

Бугунги кунда бу бетакрор иморат дунё мўъжизаларининг бири саналиб, турли миллат сайёҳларини ўзига жалб этиб келмоқда.

Отабек ЭШПЎЛТОВ тайёрлади.

Бир маҳалланинг ўзида нечта хонадон бўлса, шунча хил муҳит, турфа манзара: бири бирини асло такрорламайди. Остонадан кириб, хонадон каттаю кичигининг фаҳму фаросати, диди, тутумларига баҳо бериш мумкин. Мана етмиш йилдирки, бир-бирларига суяниб умргузаронлик қилаётган Рўзибой ҳожи бобо Фозилов – бош, Раҳимахон ҳожи момо – ёнбош бўлган хонадонга қадам ранжида қилиб, тўғри, донишманд халқимизнинг "қариси бор уйнинг фариштаси бор" деган ҳикмати бежиз айтилмаганига яна бир карра амин бўласиз. Янги қурилиш кетаётган бўлса-да, ҳаммаёқ ўрни-ўрнидаги хонадон муҳитидан сабр, шукр, меҳр, оқибат, садоқат, андиша ёғилиб тургандай гўё.

Таърифни эшитганимиз – тўқсонга бориб қолса ҳам ҳаракатлари чаққон, сўзамол, ўта жонсарак момо билан суҳбатимиз тездагина қовушиб кетди. "Эҳ, болагинам-а, ёруғ дунёга инсон бўлиб келиб, унда муносиб яшаб, ёшингиз бир жойга етганида, афсусланиб қолмаслигинг ўзи катта бахт экан-да, – дейди момо ўтирган жойида ҳаётнинг салкам тўқсон йиллик "юки"дан бироз дол бўлган қаддини ростларкан, ҳамон тийран кўзларида меҳр балқиб, – Бевад шукрларким, ҳожи дадангиз иккимиз ҳам Яратганинг бизга берган иноятдан мингдан-миг розимиз. Шукр айтиб кун ўтказиб, шукр айтиб тонг оттираемиз-да".

– Моможон, қўша қаршининг етти сирини айтиб бера оласизми?

– Айтиб бермасдим, болам. Шунга ёзсангиз, арзимаган бахоналар билан оилаларини барбод, фар-

SHUKURLI BOBO, SABRLI MOMO

qo'sha qarishining olti siri



зандларини бир томонлама меҳрдан жудо қилаётганлар ўқисалар, зора ибрат бўлса. Ажримларни эшитсам, қовурғаларим қайишиб кетади.

Қўша қаршининг **биринчи** сирини – меҳрда, айланай. Яратганинг ҳузурда ўқилган, давлатимиз қонуни билан муҳрланган никоҳлар, агар инсонлар бир - бирларидан меҳрларини дариг тутмасалар бардавом бўлаверади. Нафақат эр-хотин, балки қайнона-қайнота, қайинбўйинларга ҳам меҳрли бўлсангиз, улардан ҳам қайтаркан. Меҳр ҳар қандай қаҳрни куйдириб кул қилади, айланай. Қаҳр йўқ жойда аслаб емирилмайди-да.

Иккинчи сирини – сабр ва шукур-

да. Саккиз фарзанд улғайтирдик. Рўзгорчиликда борлик-йўқлик бўлади. Бориға шукур, йўғиға сабр қилиб ўтдик. Рўзгорда йўқ нарсани ҳеч қачон писанда этиб, бош эгамни хижолатга қўймаганман. У киши ҳам бирор нарсага улгурмай қолганимда, дағдаға қилмаганлар. Ҳам далада ишлаб, уй ишларидан олтиб, беш қизимга қўйлақларини ўзим тикиб кийдираддим, попоп, яқин-яқинларгачаям кашта тикардим. Бу юмушлар, ҳаётдаги ҳамқадамлик шукрингизни зиёда қилиб, сабрингизни чарқлайди, болам.

Учинчиси, оила аталмиш муқаддас қўрғонимизга асло ёлғон, ҳаром ораламади. Садоқатни бошимиз узра тутдик,

ҳаромдан ҳазар қилдик. Шунга қодир қилган Парвардигоримга ҳамду санолар бўлсин, умр поёнига оғаетган пайтда бир-биримиз олдимизда юзимиз ёруғ.

Тўртинчи сирини – умрнинг эғови бўлган фисқу-фужурдан йироқ турдик. Ёмонликдан ҳам яхшилик ахтариб яшашга интилдик. Хурсандчиликни ўзимизга ошно айладиқ.

Бешинчиси, фарзандларимизнинг меҳрибонлигида. Болаларимизнинг ҳаммаси ҳам ўздан тинчиган, ували-жували, катталари набирали бўлишди. Уч келин, ўғилларимиздан ташқари, беш қизимиз бири қўйиб-бири ҳар куни хабар олади. Куёвларимизга ҳам раҳмат, ҳеч қачон бунга қаршилиқ қилмайдилар.

Олтинчи сирини – болаларимизнинг бир никоҳ билан тиниб-тинчиганида, биздан тарқаганлар ичида "тирик етим"ларнинг йўқлигида. Қизи келиб, келини кетиб қолганлар қанчалар руҳий азобланишларини уйлашинг ўзи оғир, болам. Аро йўлда қолган фарзандларнинг ували Аллоҳнинг ҳукмига қарши борганларни бир кун эмас, бир кун албатта тутайди. Гофил бандалар буни ўйламайдилар-да.

Даврадан кўнгилларимиз тўлиб қайтарканмиз, қани энди ҳамманинг ҳам оила аталмиш муқаддас қўрғонини уларникидай мустақкам, бардавом бўлса, деган орзу дилларимизга ўрнашиб олди. Бу орзунинг рўёби эса шуқуру сабрда эканлиги қалбдан иқроор бўлган ҳолда Қўштепаннинг "Эшонгузар" маҳалласида умргузаронлик қилаётган бу табарруқларни ШУКУРЛИ БОБО, САБРЛИ МОМО деб атагимиз келди.

Ҳадичахон **КАРИМОВА**,
Фаргона вилояти

INSONLARGA XUSHMUOMALA BO'LISH YOQADI



Кейинги пайтларда "Тошшаҳартрансхизмат" автобус ҳайдовчилар ва чиптачилар фаолияти оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тез-тез муҳокама қилинмоқда. Айниқса, кўпчилик чиптачи аёлларни баджаҳл, бадфеъл, сабрсиз ва кўпол аёллар дея таърифлашади. Лекин улар орасида Мухаррам Мирзеева бошқаларга нисбатан хушмуомалалиги, кийиниши ва санитария талабларига амал қилиши билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Йўловчилар ҳам ундан доим миннатдор. Қаҳрамонимиз билан автобусда танишиб, кун тартиби билан қизиқдик. Аввалига биз ҳақимизда ҳам ёзасизларми, нима иш қилиб қўйдик арзирли, ҳозир ишдаманку вақт топилармикан, суҳбатга дея интервью беришни истамайгина рози бўлди.

– Йигирма йилдирки, шу соҳа ичидаман, ҳар куни соат 3:00 да уйғонаман, – дейди Мухаррам опа. – Тонги 4:00 ларга яқин турмуш ўртоғим билан 12-автосаройга йўлга тушамиз. У киши ҳайдовчи. Уйимиз гаража яқинлиги боис, пивда ўтаммиз. 4:15 ларда ишхонага бориб

чипта ва йўл варақасини олиб, шифокорлар кўригидан ўтаммиз. Соат 5:00 да биринчи жадвал бўйича ишга чиқиб кетамиз. Шу билан соат 21:00-22:00 гача ишлаймиз. Уйга қайтганимизча кечаси 24:00 ларга яқин бўлиб қолади. 16 та жадвал асосида 12-14 рейс ишлаймиз. Бир кун ишлаб, бир кун дам оламиз. Ёки уч кун ишлаб, кейинги кун ишга чиқмаслигимиз мумкин. Ойига белгиланган соатни тўпласак бўлди. Биз ҳам ҳайдовчиларга ўхшаб режа топширамиз. Мисол учун, ўтган ойда камроқ эди. Сабаби февраль 29 кун-ку. Март ойи учун эса 174 соат берилган. Бир кун ишлашимиз 14 соатга хисобланади. Белгиланган соатни йиғолмасак, ойлик яхши қилмайди. Авваллари иложи борица ҳар кун ишлашга ҳаракат қилардим. Лекин доим тик оёқда ишлаганимиз учун ёшим ўтгани сайин чарчаб қоляяман.

Кейинги бекатда эшиқлар очилиб, бир қария зўрга эшикка осилиб чиқди. Мухаррам опа эса дарров кекса аёлнинг қўлларидан тутиб, бўш жойга ўтиришига ёрдамлашди. Бу орада автобусга энди чиққан йўловчиларга чипталарини тарқатиб келди. Ҳар

бекатда тушаётган йўловчиларни ҳам беэтибор қолдирмади.

– Менга қайтишимни қайтармайсизми, – дейди бир йўловчи жаҳл билан.

– Ҳозир майда қолмайди, олиб келай, – дея ҳайдовчи томон кетди Мухаррам опа.

– Булар ўзи шунақа, – жаҳл аралаш сўзида давом этарди амаки. – Агар 100 сўм кам берсанг, ёнингдан кетмайди бақириб, ўзлари эса қайтишни қайтарай демайди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай чиптачи бир сиким танга билан қайтди.

– Ёнимда майда туаганди. Дарров олиб келишимни кутмадингиз-а, – шушқайфиятда давом этди Мухаррам опа. – Биринчи иш бошлаган пайтларим йўловчиларнинг бундай муомалаларидан қаттиқ хафа бўлардим. Шунда турмуш ўртоғим «хафа бўлманг, ҳаётда ҳар хил одам бор, кўнгилнингизга олмаслиқни ўрганинг», деб кўп тушунтирган. Астасекин ҳаммасига кўникдим. Баъзан маст ҳолатдаги йўловчилар, баъзида эса чиқинди титкиловчи одамлар ҳалталари билан чиқиб олишади. Айниқса, ёз ойларида улардан келаётган хидга чидай олманган бошқа йўловчилар бизга уларни салондан туширворинглар деб бақиршишди.

Ҳақиқатан ҳам одамлар автобусга ҳар хил қайфиятда чиқади. Кимдир жанжаллашган, кимингдир муаммоси бор. Баъзиларга битта гап кам, иккитаси ортиқ. Келишмовчилик бўлиши табиий. – Тўғри, ёшлар катта инсонларга жой берай демайди, – давом этади Мухаррам опа. – Қулоқчин тақиб олишиб, кўзларини юмиб кетаверишди, шунда туринглар, жой беринглар, дейман. Биламан, бу гаплар баъзиларига ёқмайди. Лекин уларга ота-онангиз автобусда шунақа чарчаб, ҳолдан тойиб, тик оёқда кетишни хоҳлайсизми, деб ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Мен билан қаттиқ тортишган-

лар ҳам, узр сўраганлар ҳам бўлган. Нима бўлишидан қатъи назар, ҳеч нарсага парво қилмайман, кўнглимга олмайман. Иложи борица шунақа вазиятларда баҳслашмасликка ҳаракат қиламан. Мендан ўтган бўлса узр, деб ишимда давом этаман. Инсонларга яхши муомала ёқди. Ҳурмат қилиб яхши гапирсангиз, у ҳам сизга шундай муносабатда бўлади-да. Ёши каттами, кичикми фарқи йўқ. Ким автобусга чиқса, қулиб гапираман. Кейин улар ҳам қулиб гапиради. Баъзан мактаб ўқувчилари уйдагилар йўл ҳақи деб берган пулини ишлатиб қўйган бўлишади. Кўзларини жавдиратиб турса, индамай ўтиб кетаман. Иложи борица ўқувчи болажонлардан йўл ҳақи сўрамасликка ҳаракат қиламан.

Қасбимни жуда яхши кўраман. Муҳими, ҳалол меҳнат қиламан. Тўғри, одамлар билан ишлаш қийин. Ҳар хил инсонлар ҳамроҳимиз бўлади, баъзан жамулимизни чиқарса ҳам уларга хушмуомалада бўлишимиз керак. Сал ҳиссиётларга бериладиган бўлсак, ёшларимиз дарров телефони билан шай туришди тасвирга тушириб, интернетга чиқариб юборишга (қулади) Ҳар бир автобуснинг қулик режаси бор. Масалан, ҳафта бошида 876 минг топширишимиз керак. Дам олиш кунлари «режа» камроқ қўйлади. Очиғи, ёзда ишлаш қийин бўлади. Чунки ҳамма таътилга чиқади ёки иссиқда ишламай дам олади. Шунинг учун ёзда режани бажаролмасдан қийналамиз.

Бу сўзларни ёзиб олганимча манзилимга ҳам етиб келдим. Чиптачи аёл ҳар бир бекатда тушаётган ва чиқаётган йўловчиларга ширинсуханлик билан ишида давом этарди. Автобусдан тушиб қоларканман, орамизда Мухаррам опадек камтарин, содда инсонлар борлигидан хурсанд бўлдим.

Чарос **ДУСТМАТОВА**,
«Оила ва жамият» муҳбири.

МАТЕМАТИКА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЙОТНИНГ АСОСИДИР

Инсон ҳаёти, фаровон турмушининг сифати у яшаётган атроф-муҳит шароити, яратилган қулайликларга бевосита боғлиқ. Бу ижтимоий- иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Математика, ахборот ва телекоммуникация технологияларининг sanoat, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, таълим, логистика ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига кириб бориши рақамли иқтисодиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистон ахборотлашган дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга эга бўлган, иқтисодиёти юксалиб халқининг фаровонлиги ортиб бораётган давлатлар сирасига киради. Охириги йилларда иқтисодиётни рақамлаштириш тенденцияси билан боғлиқ математик билимларнинг роли сезиларли даражада ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилни "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" дея номлади. Давлат раҳбарининг Олий Мажлиси мурожаати нафақат 2020 йил учун дастур, балким, мамлакатимизни яқин келажақда тараққиёт йўлини белгилаб берувчи фундаментал аҳамиятга эга бўлган тарихий ҳужжат сифатида баҳолаш зарур. Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, ёшларимизга илмий ва инновацион тадқиқотлар олиб боришга улкан имкониятлар яратилмоқда.

Аввало, рақамли иқтисодиётга тўхталсак. Бу иқтисодий фаолият, бунда рақамли маълумотлар ишлаб чиқариш, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва анъанавий шакллар билан таққосланадиган таҳлил натижаларидан фойдаланиш, менежмент ҳар хил турдаги маҳсулотлар, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш, товарлар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин.

Шундай қилиб, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун рақамли маълумотлардан фойдаланиш вазифалари рақамли иқтисодиётнинг асосидир ва фундаментал илмий вазифалар доирасини аниқлайди. Рақамли ёки математик моделлаш узоқ вақтдан бери маҳсулот дизайни ёки иш жараёнларини яхшилаш учун ишлатилган.

Рақамли иқтисодиётдаги математик моделлар, авваламбор, маълумотларнинг алгебраик хусусиятларини аниқ ҳисобга оладиган таниқли иқтисодий моделларнинг аналогларидир. Улар орасида барча ўзгарувчилар ёки уларнинг бир қисмининг маълумотларни акс эттирадиган тармоқлараро мувозанат ва умумий мувозанат моделлари алоҳида ўрин тутайди, бундан ташқари, абстракт



математик моделлар ҳали ҳам бор, булар ҳақиқий ва Булл ўзгарувчилари орқали ифодаланган, жуда кўп эмпирик маълумотлар тўплами, математик моделлаштирилиб иқтисодиётнинг керакли бўлимларидан олдиндан информация олинади ва таҳлил қилинади. Иқтисодий масалаларни мантқиқий равишда математик моделлардан рақамли маҳсулотлар билан мувозанат оптималлиги тўғрисида тўғри математик натижалар билан кўрсатилади.

Плеханов номи Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали олий таълим тизимида сифатли таълим бериш, рақобатбардор ва халқаро талабларга мос равишда кадрлар тайёрлашда бир қанча ишлар олиб бормоқда. Ёшлар илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базаси шакллантирилди. Университетда Республикадаги нуфузли олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари М.Арипов, З.Собиров ва Ш.Хурсановлар билан ҳамкорликда ёшларимизнинг рақамли иқтисодиётнинг ривожига хоса қўшадиган илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш учун маҳорат дарслари, олимпиадалар ва илмий инновацион лойиҳалари билан амалий ёрдам берилмоқда.

Жумладан, яқинда математика

фан олимпиадаси ўтказилиб, ёшларда интеллектуал билимини ошириш учун улкан имкониятлар яратилди ва бўлажак иқтисодчилар учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга математика инновацион технология фанлари пойдевор бўлиб хизмат қилади. Халқаро олимпиада голиблари Ш.Ибрагимов, С.Базарбаев ва М.Сафарбаевлар университет ёшлари билан ҳамкорликда олимпиадага тайёрларлик кўриб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб,

келажақда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда математик билимларни тўлиқ эгалламасдан туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмаслигини эътироф этди. Дунё олимларининг иқтисодиёт масалаларини ҳал қилиб Нобель мукофотига сазовар бўлганларнинг 35 фоизи математиклар ҳисобланади, аслида математикларга бу мукофот берилмайди лекин улар иқтисодий масалаларни ҳал қилиб олишган. Шунинг эътиборига олиб айтилган бўлсак, бизнинг ёш иқтисодчиларимизга математик билимлар жуда зарур, бу албатта мана шу каби олимпиадаларда, танлов ва мусобақаларда шаклланади. Алгебра ва сонлар назарияси, математик таҳлил ва эҳтимоллар назариясини чуқур ўзлаштирган ёш иқтисодчиларимиз ўзининг кейинги фаолиятида, илмий ишларида пойдевор вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Ҳозирда тараққиёт этган давлатлар каторига қўшилишимиз учун аввало, илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишимиз энг қиёқа йўлидан боришимиз керак. Бунинг учун

жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонлиқни узлуксиз равишда ошириб боришимиз зарур. Аслини олганда "Рақамли иқтисодиёт"га асосий пойдеворни математика фанига "0" рақамини киритган Ал-Хоразмий бобомиз асос солиб, айна пайтдаги мавжуд замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация ҳамда юқори технологияларнинг бобоқалони деб ҳисоблашимиз керак. Рақамли иқтисодиёт атамасининг илмий адабиётларда шу кунгача 10 дан ортиқ талқини бўлган ҳолда, ҳозиргача фанда яхлит бир атама сифатида қайд этилмаган. Ушбу талқинларнинг асосийлари куйидагилар ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт – бу сиёсий-иқтисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизим ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини бир неча баробар ошириб, мамлакат миллий хавфсизлиги ҳамда мустақиллигини таъминловчи асосий индикатор кўрсаткичлардан биридир.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни устувор вазифаси – Ўзбекистон иқтисодиётини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш билан бирга, аҳоли онгини, илмини, қарашларини замон билан ҳамнафас қилиш, қолаверса, мамлакатимизни халқаро майдонда интеграциясини тезлаштириш ва натижада Ўзбекистонни демократик, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар каторига қўшишдан иборатдир. Бу борада Плеханов номи Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали жамоаси ва талабалари ҳам катта хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳодир ХОЛБЕКОВ,
Рақамли иқтисодиёт ва математик фанлар кафедраси мудири, доцент

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 336. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 2862. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5